O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2011-yil 25-may, chorshanba ● № 21 (721) ● 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ● elektron manzil: hurriyat@doda.uz ● www.uzhurriyat.uz

Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

23 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда БМТ Бош котибининг ўринбосари, БМТ Тараққиёт дастури раҳбари Ҳелен Кларкни қабул қилди.

Очиқлик ва ўзаро манфаатдорлик руҳида ўтган суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси билан БМТ Тараққиёт дастури ўртасидаги муносабатлар, жорий қўшма лойиҳаларни самарали амалга ошириш ва янгиларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

20 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда «Лукойл» компанияси президенти Вагит Алекперовни қабул қилди. Учрашувда қўшма лойиҳалар ижросининг бориши ва ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

20 май Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

18 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил» эсдалик нишонини таъсис этиш тўғрисида»ги Фармони матбуотда эълон қилинди.

17-18 май кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов давлат ташрифи билан Ҳиндистон Республикасида бўлди. Ташриф асносида иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик юзасидан қатор ҳужжатлар имзоланди. Имзоланган иқтисодий соҳага оид ҳужжатларнинг умумий қиймати 2,2 миллиард АҚШ долларидан ошади.

«Hurriyat» газетаси «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам йўловчиларнинг доимий ҳамроҳи.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ:

ЮТУҚЛАРИ ДОСТОН ДИЁР

Юртимиз мустақиллигига йигирма йил тўлмоқда. Бу оддий рақам эмас. Унинг замирида миллий тараққиётимизнинг унутилмас лаҳзалари ўз аксини топган. Тарих солномасига олтин ҳарфлар ила битилажак бу йилларнинг ҳар бири буюк бир достон.

Томчида қуёш акс этганидек, истиқлол йилларидаги буюк ўзгаришларни, улкан бунёдкорлик самарасини Қорақалпоғистон Республикаси мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Бугун республика маркази — Нукус шаҳридан тортиб ҳатто чекка овулларгача ўзгача қиёфа кашф этган. Одамлар руҳиятида зўр кўтаринкилик, юз-кўзларида иштиёқ ва эртанги кунга ишонч ҳисси намоён. Улар Ватан равнақи, юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигига эришишдек эзгу мақсад йўлида фидойилик билан меҳнат қилишмоқда. Бундай фидойилик, жонбозлик бесамар кетмайди, албатта. Қорақалпоғистонликлар мустақиллик даврида эришган, эришаётган улкан ютуқлар эса сўзимиз тасдиғи бўлиб хизмат қилади.

Келинг, шу ўринда Қорақалпоғистон Республикасида жорий йилнинг биринчи чорагида иқтисодиётнинг турли жабҳаларида қайд этилган кўрсаткичларга эътибор қаратайлик. Бу давр ичида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш натижасида ялпи ички маҳсулот ҳажми 14,9 фоизга ошди. Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 9,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш 9,3 фоизга, чакана савдо айланиши 10,9 фоизга, пуллик хизмат кўрсатиш 17,9 фоизга, экспорт ҳажмининг икки ҳиссага ортиши таъминланди.

Экспортни рағбатлантириш ва тайёр маҳсулотларни ташқи бозорга олиб чиқиш, шунингдек, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш бўйича кўрилган амалий чора-тадбирлар самараси ўлароқ, ҳудудий корхоналарнинг экспорти белгиланган режага нисбатан 7 фоизга ўсди.

3 »

КУЛ «БУЛУТ»ЛАРИ ТУФАЙЛИ...

5-бет

Исландиядаги «Гримсвотн» вулқони ҳаракатга келганидан хабарингиз бўлса керак. Вулқондан отилиб қўкка ўрлаётган кул «булут»лари Шотландия ва Шимолий Ирландия ҳудудларига қадар етиб борди. Бунинг оқибатида 252 та авиарейснинг амалга оширилиши бекор қилинди.

ЭКРАНДА ҲАЁТ ТАЛҚИНИ



7-бет

Катта экранларимизда намойиш этилаётган картиналар орасидан кишида унутилмас таассурот уйғотаётганлари ҳам бор. Шу билан бирга, бугун кино санъатининг саноатга айланиб кетиши натижасида ёмғирдан кейинги қўзиқориндек мавсумий асарлар қўпайиб кетаётгани ҳам сир эмас.

ЮКСАК ЭЪТИБОР САМАРАСИ

8-бет

Яқинда Москва шаҳрида кимё фанидан бўлиб ўтган 45-Халқаро Менделеев олимпиадасида жаҳоннинг ўн саккиз давлати вакиллари қаторида ўзбекистонлик иқтидорли ёшлар ҳам иштирок этди.

Кўзда севинч ёши, қалбда энтикиш билан "Сўнгги қўнғироқ" садоларини тинглаётган битирувчи. У кенг дунёқараш, теран ва мустақил фикрга эга. Келажакка ишонч, эртанги кунга умид порлайди унинг кўзларида. Боиси, орзу-умидлари сари дадил одимлаши учун юртимизда барча имкониятлар мавжуд.



Мустақил ҳаётга чорлов — қўнғироқ

Мактаб сабоқларининг ўқувчи камолотидаги ўрни ва аҳамияти беқиёс. Шу даврда ўқиган, билганлари бир умрлик дастуриламал бўлиши, ҳаёт йўлини машъала каби ёритиши айни ҳақиқат. Куни кеча олган билимларини яна бир карра синовдан ўтказган, синов имтиҳонларини топширган ёшлар ўз билим, кўникма ва малакаларининг нечоғли мустаҳкам эканлигини намоён этишди. Қувонарлиси, битирувчилар узлуксиз таълимнинг навбатдаги босқичида ўзи танлаган касб-ҳунар ихтисослиги бўйича янада чуқур билим олишга отланмоқда.

Бу йил мамлакатимиз умумий ўрта таълим мактаблари 9-синфини 590953 нафар ўғил-қиз тамомлаб, таълимнинг кейинги босқичига йўлланма олди. Бугун эса сўнгги қўнғироқ... Хотирада бир умрга муҳрланиб қоладиган, турфа туйғуларга йўғрилган, орзу-умидларига қанот бағишлайдиган сўнгги қўнғироқ.

Камалакнинг ранглари жилолангани каби ҳар ким ўзича таъриф беради унга. Қанчадан-қанча жўшқин, шижоатли, қароқларида нур порлаб, эртанги кундан катта умидлар кутаётган ёшларнинг қалбини тўлқинлантиради унинг жаранги. Чинакамига етуклик палласини белгилайди "Сўнгги қўнғироқ" оҳанги. Мактабда ўтган беғубор кунлар, шўх-шодон дамлар билан хайрлашув онларини унутиб бўладими? Инсон ҳаётида шундай лаҳзаларни муҳрлаган мактаб билан, азиз ва қадрдон устозлар билан хайрлашув осон эмас.

Бугун юртимиз мактабларида жаранглаган сўнгги қўнғироқ барча битирувчиларни шу юрт учун муносиб фарзанд бўлишга чорламоқда. Орзулар лиммолим тошган қалбларга жўшқинлик бахш этмоқда. Янада нурли манзиллар, янада юксак орзулар сари ундамоқда.

Қалбларда уйғотиб ҳаяжон, титроқ, жарангла, жарангла, "Сўнгги қўнғироқ"!..

Ризвоной НИЗОМОВА

Шерзод ҒУЛОМОВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси

Фаолият

Холис ва ҳозиржавоб минбар

Оммавий ахборот воситалари — газета, журнал, радио, телевидение, ахборот агентликлари, интернет журналистикаси жамият янгиланаётган, ҳаёт янгича мазмун касб этаётган ҳозирги пайтда эркин сўз, ҳур фикр ва озод инсон тақдири билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий жараёнларга, инсонлар фаолиятининг барча томонларига таъсир кўрсатувчи ғоявий восита бўлиб хизмат қилмоқда, ҳозиржавоб минбарга айланмоқда. Бу мамлакатимизда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти асослари шаклланаётган айни даврда, айниқса, долзарб аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда ОАВ, ахборот коммуникация технологиялари ҳаётимизга шу қадар жадал кириб келмоқдаки, эндиликда уларсиз бирор бир соҳанинг истиқболини тасаввур қилиш қийин. Шу боис, дунёнинг ривожланган давлатлари қаторида мамлакатимизда ҳам Президентимиз раҳнамолигида мазкур соҳани ҳар томонлама тараққий эттиришга энг муҳим устувор вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма йиғилишидаги маърузасида мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш соҳасидаги устувор вазифалар белгилаб берилди. Бу вазифаларни амалга оширишда ОАВнинг ўрни ниҳоятда каттадир. "Бугун ҳаётнинг ўзи олдимизга фуқаролик жамияти институтлари тизимида ОАВнинг ўрни ва ролини янада мустаҳкамлаш вазифасини қатъий қилиб қўймоқда, — дейилади маърузада, — ОАВни янада эркинлаштириш, нодавлат матбуот нашрлари, радио, телевидение фаолиятини жонлантириш, уларнинг интернет глобал тармоғига кириш имкониятларини кенгайтириш, олиб борилаётган ислоҳотлар сиёсатининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашга, кучли фуқаролик жамиятининг изчил шаклланишига мадад бериши даркор. Миллий матбуотимизнинг сифат ва таъсирчанлигини ошириш, уни ривожланган давлатларнинг ОАВ эришган юксак талаб ва мезонлар даражасига кўтариш учун имкон берадиган шарт-шароитларни яратиш мақсадида ОАВ соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштиришни таъминлаш зарур».

Бугунги кунда республикамизда 1218 та ОАВ фаолият кўрсатмоқда. Шундан 700 номдагиси газета, 250 номдагиси журнал, 17 номдагиси бюллетень-ахборотномадир. Телерадиотармоқлари 100 дан ортиқ, веб-сайтлар эса 150 тани ташкил этади. 4 та ахборот агентлиги ишлаб турибди. Даврий ва оммавий нашрлардаги материаллар, телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар давлат тилидан бошқа тилларда ҳам ҳавола этилмоқда.

Соҳанинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, журналистларнинг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

4 »

ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ

Адлия минбари

ХОРИЖ ИНВЕСТИЦИЯСИ ҲУҚУҚ ҲИМОЯСИДА

Тадбиркорликни эркинлаштириш, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш, бунда уларнинг ҳуқуқларини аниқ белгилаш, давлатнинг тадбиркорлик фаолиятга аралашувини чеклашга қаратилган механизмларни қарор топтириш, тадбиркорлик билан эркин шуғулланишнинг амалий кафолатларни таъминловчи ҳуқуқий асосни яратиш бугуннинг энг муҳим талаби ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, чет эл фуқаролари, нодавлат ташкилотлари мамлакатимизда бўлаётган ўзгаришларга бефарқ эмаслар. Соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида биргина Навоий вилоятида хорижлик сармоядорлар сонининг 1,5 бараварга ошгани фикримиз исботидир. Бундай ҳолатни Тошкент, Самарқанд ва Наманган вилоятларида ҳам кузатиш мумкин. Негаки, мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилиб, тадбиркорларнинг эмин-эркин фаолият юритишлари учун қулай шарт-шароитлар яратилмоқда.

Хорижий инвесторларни ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилишни таъминлаш республика Адлия вазирлиги зиммасига юклатилган. Адлия органлари ўтган вақт мобайнида бу вазифани сидқидилдан бажариб келмоқда. Хусусан, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг бузилишини аниқлаш ва тегишли чора кўриш мақсадида вазирлик ҳамда унинг жойлардаги идораларида жорий этилган "Ишонч" телефонлари мунтазам ишлаб турибди. Жорий йилда "Ишонч" телефонларига жами 55 та мурожаат келиб тушди. Шундан 26 таси қаноатлантирилди, 26 тасига ҳуқуқий тушунтиришлар берилди. Масалан, Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан "Wirtgen Tashkent" қўшма корхона вакили Т.Молокованинг мурожаати ўрганилганда, хусусий тадбиркор Моҳира Абдуалимова шартнома шартларини бузиб, 25 миллион 100 минг сўм қарзини тўламаётгани аниқланди. Мазкур ҳолат юзасидан Самарқанд вилояти хўжалик судига асосий қарз ҳамда пеняни ундириш бўйича даъво аризаси киритилиб, суд қарорига кўра талаб қаноатлантирилди. Яна бир мисол: Навоий вилояти адлия бошқармаси "Электрокимёзавод" қўшма корхонасининг мурожаатини ўрганиш натижасида Сирдарё вилоятидаги "Оқолтин дон маҳсулотлари" очиқ ҳиссадорлик жамияти томонидан 189 миллион 42 минг 572 сўм қарз тўланмаётгани маълум бўлди. Қўшма корхона манфаатини кўзлаб Сирдарё вилоят хўжалик судига асосий қарз ҳамда пеня ундириш бўйича даъво аризаси киритилди.

Бундан ташқари, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятида вужудга келаётган муаммоларни аниқлаш, шунингдек, уларнинг фаолият кўрсатмаслик сабабларини ўрганиш мақсадида 1353 та корхона мониторингдан ўтказилди. Жумладан, Наманган вилоятидаги "Palma Tekstil" хорижий корхонаси фаолияти мониторинг қилинганда, корхонанинг банкдаги ҳисоб рақамига инкасса топшириқномаси қўйилгани аниқланиб, уни қайта кўриб чиқиш юзасидан суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Поп туман бўлимига кўрсатма тақдим этилди. Натижада корхона ҳисоб рақамига 2009 йил 23 декабрда қўйилган инкасса топшириқномаси 33 миллион 893 минг сўмга камайтирилди.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан "Diyor Savdo uyi" қўшма корхонаси фаолияти мониторинг қилинди. Маълум бўлишича, божхона органлари томонидан гарчи корхонанинг ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб кирилган мол-мулкига сертификати бўлса-да, бож тўлашда имтиёз қўлланилмаган. Ушбу ҳолат юзасидан тақдимнома киритилиб, ортиқча ундирилган 501462 сўм маблағ корхонага қайтарилди. Шунингдек, мониторингда 15 та солиқ, 5 та божхона, 5 та банк соҳасида 147 та текширишлар ташкилаштирилиб ва ўтказиш, 30 та шартнома тузилиши ва бажарилиши бўйича қонунбузилишлар аниқланди. Улар юзасидан тегишли таъсир чоралари кўрилди.

Мурожаатларни кўриб чиқиш ҳамда ўтказилган ўрганишлар натижаси бўйича назорат қилувчи идораларга, маҳаллий ҳокимликларга қонунбузилишни ва унга олиб келувчи шарт-шароитларнинг сабабларини бартараф этиш ҳақида 149 та тақдимнома, 323 та кўрсатма ва огоҳнома хатлари киритилди. Қўлланилган таъсир чораларига асосан 132 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка (шундан 8 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди) тортилиб, 17 миллион 535 минг 783 сўм маблағ хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга қайтарилди. Шунингдек, маҳаллий ҳокимлик ҳамда давлат бошқаруви органларининг 20 та ноқонуний ҳужжатига оид ижро тўхтатилди.

Адлия идоралари томонидан фаолияти тўхтатилган корхоналар бирма-бир ўрганиб чиқилмоқда. Ўрганиш натижаларига кўра корхоналардаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва уларнинг фаолиятини тиклаш чоралари кўрилмоқда. Масалан, Андижон вилоят адлия бошқармаси томонидан 21 та корхона фаолияти мониторинг қилинди. Уларга ҳуқуқий ёрдамлар кўрсатилиши натижасида "Фикент Тех Андижон" қўшма корхонасида пайпоқ ишлаб чиқариш цехи ишга туширилди. Шаҳрихон туманидаги "SDK Group And" хорижий корхонаси муддатидан олдин ишлаб чиқаришни бошлашга эришди. Шунингдек, Самарқанд вилояти адлия бошқармаси ҳамда маҳаллий ҳокимлик органларининг кўрсатган ҳуқуқий ёрдамлари натижасида "Самарқанд бизнес маркази", "Samarkand Texmak mato" каби қўшма корхоналарнинг фаолияти қайта тикланди.

Хулоса қилиш мумкинки, тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштиришни янада ривожлантириш, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш, эски маъмурий-тақсимот тизими қолипларидан воз кечиш, эркин тадбиркорлик фаолияти учун амалий кафолатларни таъминловчи ҳуқуқий асосларни яратиш ва мавжуд қонун ҳужжатларини доимий равишда такомиллаштириб бориш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Ф.ФАРИКОВ,
Адлия вазирлигининг хорижий инвестициялар ва улар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бошқармаси бўлим бошлиғи

2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

КОРХОНАНИНГ ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТИ

Шаҳрисабз туманидаги "Аҳмедов Актам Бухорович" хусусий фирмаси картон қутилар ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Бу ерда тайёрланаётган турли ҳажмдаги картон идишлар вилоятдаги кўплаб корхоналарга етказиб берилмоқда. Фирмада тез орада қоғознинг бошқа турларини ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилади.

Суратда: *оператор Нафиса Зиятова.*

Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган сурат

БЕГОНА КАТАКДА ҚИЧҚИРАЁТГАН "ХЎРОЗ"ЛАР

(иккинчи мақола)

Германиядаги "Андижон – Адолат ва тикланиш" ташкилоти мутлақо ноқонуний тарзда фаолият кўрсатаётганини ҳамма ҳам билавермаса керак. Ташкилот раҳбари Нурилло Мақсудовнинг энг яқин сафдошларидан бири, ўринбосари Шамсиддин Атаматовдир. Унинг таржимаи ҳоли "устози"никидан деярли фарқ қилмайди. У 1996 йилда ушбу диний-экстремистик оқимга жалб этилган ва уч йил ўтиб, "Акромийлар" раҳнамоси А.Йўлдошев тарафидан Андижондаги "восита" раҳбарлигига тайинланган.

Ушбу "бошланғич ташкилот" сиртдан қараганда, ёпиқ қандолатчилик цехи сифатида фаолият кўрсатсада, аслида бу ерда қанду новвот эмас, бузғунчи, вайронкор ғоялар "пишитиларди". Бу ерда ёшларга "Ҳақиқатга йўл" қўлланмаси орқали бутун динсизларни йўқ қилишга қаратилган халифалик қуриш ғояси ҳақида хомхаёлларга асосланган таълимот беришар, шу билан бирга ўқотар қуроллардан фойдаланиш сирлари пухта ўргатиларди.

2004 йил сентябрда 22 нафар акромий хибсга олиниб, уларга нисбатан жиноят иши қўзғатилади. 2005 йилнинг май ойида Андижонда юз берган тартибсизликлар натижасида Атаматов ўзининг маслакдошлари тарафидан қамоқдан чиқариб юборилади. Шундан сўнг у ҳамтовоқлари билан тиш-тирноғигача қуролланиб, вилоят ҳокимлиги биносига ҳужум қилишда, шаҳарнинг турли бурчакларида ҳарбий хизматчилар билан отишмаларда, тинч аҳоли вакилларини таҳқирлашда фаол иштирок этади. Буйруқларига итоат қилмаганларни, ҳатто ўз сафдоши бўлса ҳам аёвсиз ўлдиради.

Кейин эса, Қирғизистонга "Қочоқлар" лагерига бориб, тегишли мақомга эга бўлади ва Швецияга ўтиб кетади. Айни пайтда ўша ерда ялло қилиб юрибди.

Яқинда "Озодлик радиоси"дан берилган "Баҳс майдони" эшиттиришига қизиқиш юзасидан қулоқ тутдим. Ушбу эшиттиришга Шамсиддин Атаматов "меҳмон" сифатида таклиф этилган экан. Даставвал бошловчи 2005 йил май ойидаги мудҳиш воқеаларни тилга олиб, негадир Мисрда юз берган намойишларни ҳам эслатиб ўтди. Андижондаги ўша ҳодисалар жараёнида акромийлар ҳарбийларга қарата ўқотар қуроллардан ўт очишган, Мисрда эса намойишчиларнинг ҳеч бирида қурол йўқ эди.

"Қаҳрамон"имизга "чиндан ҳам акромийлар автоматлар ва тўппончалардан ўқ отишдими?" деган савол берилди. Шамсиддин ўша пайтда уларнинг қўлида ўқотар қуроллар бўлганини инкор этмади ва гўёки "адолатни ҳимоя қилиш учун" қурол олишга мажбур бўлишганини қайд этди. Бошловчининг кейинги саволи шундай жаранглади: "Акромийлар ўз норозиликларини худди Қоҳирадаги "Тахрир" майдонида бўлганидек, ҳеч қандай қурол-яроқсиз намойиш этиши мумкинмиди?"

Худди ана шу ерда босқинчи ва каллакесар Атаматов ҳақиқатан мутлақо йироқ ёлғонларни ишга солди. Унинг айтишича, гўёки, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари оддий фуқароларга қарата ўз қўллари билан ўт очиб, айнан акромийларни қарши ҳужумга ўтишга мажбур қилишган эмиш. Ана сизга "фалсафа". Бу гапларни эшитиб на кулишни биласиз, на куйишни...

Келинг ўша мудҳиш кунларни бир эсга олайлик. 2005 йил 13 майга ўтар кечаси тўппонча, автоматлар билан қуролланган бир гуруҳ одамлар аввал ИИБ патруль-пост хизматига ҳужум қилишган ва у ердан ўзлари учун қурол-яроқни ғамлаб чиқишган. Кейин эса, турмага ҳужум қилиб, қамоқдаги тарафдорларини олиб чиқишган. Бу ердан ҳам анчагина қурол-аслаҳа ўмарган жиноятчилар ҳарбий қисмга бостириб боришган. Ана шу босқинлар пайтида тиш-тирноғигача қуролланган Шамсиддин ва бошқа акромийлар мазкур муассасаларда навбатчилик қилаётган ходимларни шафқатсизларча отиб ташлашган. Агар ҳарбийлар ва милиционерлар ўз ихтиёри билан қуролларни топширган бўлса, уларни отиб ташлашнинг нима ҳожати бор эди.

Бундан ташқари, 2005 йилда акромийлар устидан бўлиб ўтган суд пайтида уларнинг жанговар аслаҳахонаси бутун дунёга намойиш қилинди. Ундан наинки автомат ва тўппончалар, балки катта миқдордаги гранаталар ва портовчи моддалар ҳам ўрин олганди. Дарвоқе, ушбу қуролларнинг катта қисми қонли воқеалар бошланмасидан анча илгари қўшни Қирғизистондан етказиб берилган.

Хуллас, Атаматов ва Мақсудовнинг кирдикорларида ўхшаш жиҳатлар анчагина. Аммо улар орасидаги зиддиятли масалалар ҳам йўқ эмас. Хусусан, босқинчи сифатида нисбатан ёш ва ғайратли бўлган Шамсиддин Атаматов "Андижон — Адолат ва тикланиш" ташкилотининг бошқарувини тамомила ўз қўлига олишга интилмоқда. Ана шу мақсадга эришиш йўлида у ўзини ўзбек "мухолифати" дея эълон қилган айрим шахслардан мадад ҳам ола бошлаган кўринади.

Дарвоқе, бу "мухолифат" ҳақида ҳеч ким етарлича маълумотга эга эмас. Уларнинг ҳеч қандай ҳаракат дастури ҳам бўлмаса-да, аллақачон айрим хорижий махсус хизмат идораларининг ҳимояси остида биқиниб олишган ва ҳатто улар орқали кун кўришмоқда. Хуллас, Атаматов шериги Мақсудовнинг қўли эгри эканини гапга чечанлик билан таъкидлаб, ҳар ой ташкилотнинг жамғармаси ҳисобидан ўғринча Андижондаги қариндошларига беш минг доллардан пул жўнатаётганини айтди.

Тақдир тақозоси билан битта шиша ичига "жамланиб" қолган сувараклар нинг кураши қандай якун топиши ноаён. Хўш, улардан бирининг иккинчиси билан ўрни алмашгани билан нима ўзгарарди? Нари борса, ёши ўтган, куч-қувватдан қолган босқинчининг ўрнини ҳозир имкон топса ғажиб ташлашга шай турган ёшроқ жиноятчи эгаллар? Албатта, ушбу ташкилот маблағини навбатдаги "раҳбар" олдингисидан кўра кўпроқ талон-торож қилар? Балки уни ўзларини "мухолифат" атаётган кимсалар "шафеълигида" бирор-бир Европа махсус хизмат идораси ўз қаноти остига олгандир? Ахир Ватан хоинлари учун улар даставвал яхши ҳақ тўлашади.

Ҳа, айнан даставвал! Кейин эса, кераксиз чиқинди мисоли ахлат қутисига ирғитишади. Мақсудов, Атаматов сингари Ватандан йироқда омонат бошпана топган ва уни имкон қадар "қимматроққа" сотишга интилаётган акромийларни ана шундай кўргилик кутаётир.

Швеция ва Германияда ўзини демократия ва бошқа инсоний қадриятлар ҳимоячиси санаб, бу каби "жабрдийда"ларнинг бошини силаётганлар битта ҳақиқатни унутмасалар яхши бўларди. Ўз Ватанида минглаб бегуноҳ юртдошларининг умрига зомин бўлишдан тап тортмаган бундай нобакорларнинг ўзга юртда ҳам ана шундай хунрезлик қилмаслигига ким кафолат беради?

Иномжон ЗАЙНИТДИНОВ

Талқин

АДОЛАТ ТАЯНЧИ

Жамиятдаги ижтимоий муносабатлар ҳуқуқ деб номланувчи турли нормалар, қоидалар билан тартибга солинади. Улар сирасига урф-одатлар, анъаналар, ахлоқ нормаларини ҳам киритиш мумкин. Ҳуқуқда адолат ва тенглик тамойили мужассам эканлиги билан ҳам аҳамиятли. Аслида ҳам «ҳуқуқ», «ҳақ», «ҳақиқат» тушунчаларининг ўзаги адолатга бориб тақалади. Айни чоғда «адолат» билан «адлия» сўзи бир ўзакдан иборат. Шу боис, ҳуқуқнинг жамиятда тутган ўрни, унинг мазмун ва моҳияти жамият аъзоларининг манфаатларини адолатли мувозанатда ушлаб туришда ифодаланади.

Таъкидлаш керакки, «адолат» тушунчаси инсониятни қадим даврлардан бери қизиқтириб келган. Шу ўринда юнон мутафаккири Арастунинг хизматларини эслаш кифоя. Арасту адолатни икки кўринишга ажратган: тенглаштирувчи ва тақсимловчи. Тенглаштирувчи адолатга кишилар нарса, ашё ва қимматли нарсаларни алмаштиришганда ёки бир-бирига етказилган зарарни қоплаш керак бўлганда асосланишган. Бу ҳолда адолат етказилган зарар билан тарафларнинг фойдаси ўртасидаги ўлчовни таъминлаш воситаси сифатида намоён бўлади.

Тақсимловчи адолат дейилганда эса турли одамларнинг умумий ишга, хусусан, умумий «хирмон»га қўшган ҳиссасига мос ҳолда, тенг ёки тенг бўлмаган тарзда тақсимлаш тушунилади. Чиндан ҳам, умумий фаолиятда биров кўп, бошқа биров кам иштирок этган бўлса, уларга тенг маҳсулот тақсимлаш адолатдан бўлмайди, уларнинг қўшган ҳиссасига мос, яъни кўп ишлаганга кўп, кам ишлаганга кам маҳсулот тақсимлаб бериш — адолатдандир. Демак, бундай ёндашув асосида «адолатли тенглик» ва «адолатли нотенглик» тамойили ётади.

Юртбошимиз «Адолат, ватан ва халқ манфаати ҳар нарсадан улуғ» деб номланган асарида таъкидлаганидек, «Адолат» сўзи минг йиллар давомида инсонга ҳамроҳ бўлиб келган. Асрлар давомида кишилар адолат учун курашган, мислсиз қурбонлар берган. Адолатнинг бу вазифаси, яъни жамиятдаги турли гуруҳлар, қатламлар ва тузилмалар ўртасида манфаатлар мувозанатини ва уйғунлигини таъминлаш нафақат долзарб, балки ўта мураккаб вазифа ҳамдир. ...Ҳар қандай жамиятда ҳам адолат ҳақида жуда чиройли гапириш мумкин. Адолат ҳақида узоқ гапириш мумкин. Аммо гап чиройли ва узоқ гапиришда эмас, балки ҳаётда адолатни ўрната олишда». Дарҳақиқат, жамиятда адолат ўрнатилиши учун амалдаги ҳуқуқ жамият аъзолари томонидан аниқ ва тўла ижро этилиши, унга риоя қилиниши керак. Бундай тартиб бузилган ҳолларда давлат ўзининг мажбурлов функциясини ишга солишга тўғри келади. Масалан, тадбиркорлар томонидан белгиланган солиқларнинг ўз вақтида тўланмаслиги ишхоналарда ўз вақтида маош берилишига салбий таъсир этиши мумкин. Ёки шартноманинг бажарилмаслиги муайян бир корхонанинг иш режасига, ишлаб чиқариш фаолиятига жиддий тўғаноқ бўлиши табиий хол. Бундай ҳолатлар йиғилиб, астасекин ижтимоий мувозанатни сусайтиради. Шу боис, давлат солиқни ўз вақтида тўламаганлар учун, шартнома шартларини бажармаганлар учун турли жавобгарлик чораларини ҳуқуқ йўли билан мустаҳкамлаб қўяди.

Бобокалонимиз Соҳибқирон Амир Темур адолат ва қонун ўртасидаги нисбатни чуқур ҳис этган ва ўз сиёсатида бу икки ҳодисани ўринли уйғунлаштирган: «...Адолат ва инсоф билан Тангрининг яратган бандаларини ўзимдан рози қилдим. Гуноҳкорга ҳам, бегуноҳга ҳам раҳм қилиб, ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқардим. Хайр-эҳсон ишларим билан одамлар кўнглидан жой олдим.» Соҳибқиронинг «Куч — адолатдадир» деган қоидасида ҳам қонун, ҳуқуқ билан адолатнинг узвий боғлиқлиги ўз ифодасини топган.

Ҳуқуқ ўз табиатига кўра тартибга солувчи восита ҳисобланади. Унинг бу функцияси асосида турли инсонларга нисбатан бир хил ўлчов қўлланиши ётади. Бу адолат худоси — Фемиданинг кўзи боғлиқ: у учун оқ ҳам, қора ҳам бирдек баробар — уларнинг ҳаммасига нисбатан бир хил ўлчов белгиланган. Қизиғи, ҳуқуқнинг «заиф» жиҳати ҳам мана шунда кўринади. Чунки у барчага бирдек ўлчов билан ёндашганлиги туфайли ҳар бир инсоннинг хос хусусиятларини ҳисобга олмайди. Бинобарин, «содда, бўш-баёв инсон ҳаётда ўрнини топиши қийин, демак, унга уддабурон кишига нисбатан кўпроқ ҳуқуқ бериш керак» деган ёндашув ҳуқуқ учун ёт хусусиятдир.

Бундай ҳолатда ҳуқуқни ҳуқуқ қилиб турган жиҳат — унинг турли субъектларга нисбатан бир хил ўлчов ва мезон билан ёндашиши йўқолиб қолади. Бироқ ҳуқуқ қўллаш жараёнида ҳуқуқнинг ушбу жиҳати ҳар бир инсонга ва вазиятга якка тартибда ёндашиш орқали маълум даражада қопланади. Масалан, жиноятчининг қилмишига чин дилдан пушаймон бўлиши унга бериладиган жазони юмшатишга асос бўлади; аҳолининг кам таъминланган қатламларига давлатнинг ижтимоий ёрдами ва ҳоказолар.

Шундай қилиб, ҳуқуқ ва адолат бир-бири билан чамбарчас боғлиқ тушунчалар, ижтимоий қадриятлардир. Адолатнинг қарор топишига жамиятнинг барча аъзолари томонидан қатъий ҳаракат бўлиши, ҳар бир инсон ўз ҳаётида адолатга асосланиши ва у учун курашиши катта аҳамиятга эга. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, «Дунёда адолат қонуни мавжуд эканини ҳеч ким инкор этолмайди. Эртами-кечми ҳар бир инсон ана шу қонун олдида жавоб бериши муқаррар. Буни асло унутмаслик керак».

Акром ИСМАТУЛЛАЕВ,
ТДЮИ магистранти

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ
БАРЧА ТУРДАГИ КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
ПОЧТА АЛОҚАСИ
хизматларидан фойдаланинг!
Телефон: (8 371) 233-57-47,
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ:

ютуқлари достон диёр

(Бошланиши 1-бетда.)

Молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобига инвестицияларнинг ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 266,2 фоизни ташкил қилди. 180,5 миллиард сўмлик инвестициялар, шу жумладан, 9,8 миллиард сўм миқдоридаги тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилди. Банк тизимининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш бўйича кўрилган чоралар самараси ўлароқ, иқтисодиётнинг реал секторига банклар томонидан киритилган кредит маблағлари ҳажми 66,2 миллиард сўмга етди.

Ноозиқ-овқат ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга йўналтирилган лойиҳаларни изчил амалга ошириш долзарб вазифалардан саналади. Бу борада қабул қилинган дастурга мувофиқ жорий йилда умумий қиймати 32,6 миллиард сўм бўлган 112 та лойиҳани ҳаётга жорий этиш режалаштирилган. Айни пайтгача 27 та ана шундай ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди. Уларнинг 9 таси ноозиқ-овқат, 18 таси озиқ-овқат соҳаси объектларидир.

Қорақалпоғистоннинг бугунги қишлоқ ва овуллари ҳеч бир шаҳардан сира қолишмайди. Янги, замонавий мактаблар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, кўркам маҳалла гузарлари, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари... Намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойларнинг қад ростлаши эса уларга янгича тус, янгича мазмун бахш этди.

"Қишлоққурилишинвест" инженеринг компаниясининг Қорақалпоғистон филиали буюртмаси бўйича 2009 йили қишлоқ жойларида 100 та турар-жой барпо этилди. 2010 йил яна 310 та ана шундай янги уй-жой калитлари эгаларига топширилди. Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида тасдиқланган дастурга асосан бу йил 13 та тумандаги 24 та массивда намунавий лойиҳадаги 345 та уй-жой қурилади. Бунинг учун 55,2 гектар ер майдони ажратилди. 42 та пудратчи корхона қурилиш ишига жалб қилиниб, улар билан 24,3 миллиард сўмлик шартнома тузилди. 6,2 миллиард сўмлик бошланғич тўлов маблағлари амалга оширилди.

Бандлик дастурига мувофиқ жорий йилда 48 минг 362 та янги иш ўрни яратиш белгиланган. Йилнинг дастлабки уч ойида 12 мингдан зиёд иш ўрни барпо этилди. Бу режага нисбатан 108,9 фоиз демакдир.

"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурида белгиланган қулай бизнес шароитини яратиш, давлат ва назорат ташкилотларининг корхоналарнинг молия-хўжалик фаолиятига аралашишини камайтириш, кичик бизнес субъектларини кредит билан таъминлаш ҳажмини ошириш каби вазифаларни бажариш юзасидан жадал иш олиб бориляпти. Таъкидлаш жоизки, январь-март ойларида дастур доирасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун барча молиявий манбалар ҳисобидан 45,6 миллиард сўм маблағ ўзлаштирилди. Бунинг натижаси ўлароқ, йилнинг биринчи чорагида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улуши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан сезиларли даражада ошиб, 47,6 фоизни ташкил этди. Кичик бизнес субъектлари ҳисобидан 9 минг 126 та иш ўрни ташкил этилди.

Аҳолининг яшаш шароити йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда. Ўтган йилнинг ўзида аҳолининг реал даромадлари 23,5 фоизга ошди.

2010-2012 йилларга белгиланган саноат соҳасини ривожлантириш дастурига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикасида 181 та лойиҳа амалга оширилди. Натижада 1946 та янги иш ўрни очилди. Шу кунларда эса Қораўзак туманида умумий қиймати 86 миллион АҚШ долларидан зиёд бўлган, йилига 1 миллион тонна цемент ишлаб чиқариш қувватига эга завод қуриляпти. Устюртдаги Сургул кони негизида умумий қиймати 3,5 миллиард АҚШ долларига тенг, йилига 4 миллиард кубометр газни қайта ишлайдиган газ-кимё мажмуаси барпо қилинмоқда. Ушбу мажмуа ишга тушгач, йилига 400 минг тонна полиэтилен ва 100 минг тонна полипропилен ишлаб чиқарилади ҳамда 5 мингдан зиёд киши иш билан таъминланади.

Эътибор бериб қаралса, бундан йигирма йил муқаддам Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиётида, аҳолининг турмуш тарзида юқорида таъкидлаб ўтилган юксалишлар бўлишини ақл бовар қилмас эди. Эришилган ва эришилаётган муваффақиятлар замирида Юртбошимизнинг изчил сиёсати, мамлакатда босқичма-босқич амалга ошириб келинаётган туб ислоҳотлар самараси ётибди.

2011 йилда иқтисодиёт тармоқларига 1 триллион 485 миллиард сўмлик инвестициялар киритилиб, улкан бунёдкорлик — реконструкциялаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилиши кўзда тутилган.

Қайд қилиш лозимки, ўтган йили А-380 автомагистрал йўли қурилишида 47 миллиард сўм маблағ ўзлаштирилган бўлса, жорий йилда ушбу мақсад учун 193 миллиард сўмлик иш бажарилиши назарда тутилган.

Ўтган йили иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, ижтимоий дастурларни амалга ошириш борасида бир қатор ижобий натижаларга эришилди. Ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш суръати 10 фоиз, ташқи иқтисодий алоқаларнинг кенгайиши туфайли экспорт ҳажми 91 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Ҳозирги пайтда "Нукус текстиль", "Тўрткўл Асака текстиль", "Астера текстиль", "Хўжайли текстиль" ва "Амударё текстиль" корхоналарида жами 25 миллион АҚШ долларидан зиёд ҳажмдаги модернизациялаш ишлари олиб бориляпти. Енгил саноат, озиқ-овқат, ёғ-мой, пахта тозалаш ва дон корхоналарида ҳам мазкур йўналишдаги юмушлар давом эттирилмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан соҳада фаолият юритаётган тадбиркорларнинг турмуш фаровонлигини оширишдаги роли янада кучайтирилмоқда. Ўтган йили 2389 та кичик бизнес субъекти ташкил қилинди. Жорий йилда кичик бизнеснинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улушини 64 фоизга етказиш, кичик бизнес ҳисобидан 43 мингта иш ўрни яратиш, 2300 та кичик бизнес субъектини ташкил этиш ва уларга 123 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратиш мўлжалланган.

Мустақиллик меваси бўлмиш Марказий Осиёдаги энг йирик корхоналардан бири — Қўнғирот сода заводи қошида ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш мақсадида саноат корхоналари, қурилиш ҳамда кундалик турмуш учун зарур йодланган туз, минерал кукун, шиша маҳсулотлари ва силикат ғишт ишлаб чиқариш бўйича қўшимча қувватларни жорий этиш ишлари олиб бориляпти.

Шу йил Наврўз арафасида Нукус шаҳрида чарм ишлаб чиқарадиган янги корхонанинг ишга тушгани нафақат бу соҳадаги маҳсулотларга бўлган эҳтиёжни қондириш, балки хорижга ҳам маҳсулот чиқариш имконини берди. "Ориент технолоджи" Ўзбекистон-Кипр қўшма корхонаси деб аталадиган ушбу янги ишлаб чиқариш объектини бунёд этиш учун 10 миллиард сўм маблағ сарфланди. Бу ерда 720 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиб, замонавий хорижий технологиялар асосидаги дастгоҳлар ўрнатилди.

Корхонада йилига 240 минг донадан зиёд қорамол териси қайта ишланиб, 4 минг 800 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилади. Ярим тайёр маҳсулотлар Италия, Туркия, Россия давлатларига экспорт қилиниши мўлжалланмоқда. Корхонада ҳозир 80 га яқин киши меҳнат қилмоқда. Келгусида бу ерда қўй, эчки терисини ҳам қайта ишлашни йўлга қўйиш орқали яна юзга яқин иш ўрни очиш режалаштирилган.

Фақат Нукус шаҳрида эмас, бошқа ҳудудларда ҳам қўшма корхоналарни бунёд этишга алоҳида аҳамият берилаётгани қувончли. Масалан, Амударё туманида пиллани қайта ишлашга ихтисослашган "Азия силк" Вьетнам шўъба корхонаси ишга туширилди. Мазкур корхонага 290 минг АҚШ доллари миқдоридаги чет эл инвестицияси киритилган. Шу тумандаги Назархон овулида йилига 25 миллион дона ғишт ишлаб чиқарадиган корхона қурилди. Шунингдек, Англиянинг "Welroy Techology LLP" компанияси билан ҳамкорликда "AmudaryoTex" хорижий корхонаси ташкил қилинди. Инвесторлар томонидан мазкур корхонада дастлаб ипкалава ишлаб чиқариш ва кейинги босқичда тайёр ип-газлама ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун лойиҳа қиймати 29 миллион АҚШ доллари миқдоридаги ишларни бажариш белгиланган.

Қорақалпоғистонлик деҳқон-фермерлар мураккаб иқлим шароитига қарамасдан ғалла, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил олишяпти. Чунончи, 2010 йилда 185 минг тонна пахта тайёрланди, 810 тонна пилла, 86 минг 256 тонна дон етиштирилди.

Қорақалпоғистон Республикасининг барча шаҳар ва туманларида "Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллигига 20 туп дарахт менинг туҳфам" шиори остида мевали ёки манзарали кўчатлар ўтказиш кенг кўламда олиб борилди. Бу тадбир баҳона 20993 туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди.



Тўйга тўёна билан деганларидек, Мустақиллик байрами арафасида ишлаб чиқариш соҳасида 17 та объектнинг ишга туширилиши мўлжалланмоқда. Жумладан, Нукус шаҳрида "PANA GROUP" МЧЖда полиэтилен пакет, Тахиатош шаҳридаги "Юмиир" хусусий корхонасида бош кийим, Қонликўл туманидаги "Нур Ғуханман", "Раҳим Турғанбоев", Чимбой туманидаги "Виктор Султонбек" хусусий корхоналарида нон ва нон маҳсулотлари, Кўнғирот туманидаги "Яқипбой лаққи" фермер хўжалигида қуритилган сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Бундан ташқари, Кегайли туманидаги "Давлет" фермер хўжалигида эшик ромлари, Нукус шаҳридаги "Дай Пласт Нукус" МЧЖда қурилишбоп арматура, Тўрткўл туманидаги "Тўрткўл махсус тайёрлов" МЧЖда полиэтилен, Элликқалъа туманидаги "Наврўз" МЧЖда қандолат маҳсулотлари, Амударё туманидаги "Қорақалпоқ қишлоқ қурилиш сервис" МЧЖда пишиқ ғишт ишлаб чиқариш режалаштирилган. Транспорт ва коммуникациялар соҳасида 3 та, соғлиқни сақлаш тизимида 20 та қишлоқ врачлик пункти ва 11 та тез тиббий ёрдам шохобчаси капитал ёки жорий таъмирлашдан чиқарилади. Таълим соҳасида ҳам янги зиё масканларини қуриш, мавжудларини реконструкциялаш ишлари олиб борилади.

Бир сўз билан айтганда, Қорақалпоғистон Республикасида эришилган ютуқлар мазмундор достонга монанд, десак муболаға бўлмайди. Бу достоннинг муаллифи кўпмиллатли республика халқидир. Ушбу диёрда қадим замонлардан буён қорақалпоқ, ўзбек, қозоқ, туркман, рус, татар, корейс, озарбайжон каби ўнлаб миллат вакиллари ягона оила фарзандларидек яшаб келмоқда. Уларни муқаддас туйғу — Ватанга садоқат, она заминни севиш, халқларимизнинг азалий дўстлигини янада мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимизни эъзозлаш, нурафшон келажакка ишонч туйғулари бирлаштириб туради.

Энг муҳими, юртимизда амалга оширилаётган чуқур ислоҳотлар туфайли ҳаётимизнинг турли жабҳаларида янгиликларнинг юз бериши табиий ҳолга айланди. Дунё тамаддунига ҳисса қўшган буюк алломаларимизнинг ворислари — ҳозирги ёшлар орасида иқтидорлилари жуда кўп. Томирларида буюк аждодларимизнинг қони оқаётган ана шу зукко ёшларимиз эришаётган муваффақиятлари билан юрт тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Юртдошларимиз истиқлол йилларидаги бемисл ўзгаришлар, юртимиз ҳаётида рўй берган ривожланиш, эришилган ютуқлар ҳақида тўлиб-тошиб сўзлашади. Уларнинг сўзларидан фахр-ифтихор туйғулари уфуриб туради.

Шарбон Худойберганова, Хўжайли туманидаги «Анорбой бўзчи» фермер хўжалиги раҳбари:

— Асли касбим муҳандис. Аммо имкониятимни деҳқончиликда синовдан ўтказишга қарор қилдим. Хўжайли туманидаги Ойбек номли МТП ҳудудида «Анорбой бўзчи» фермер хўжалигини ташкил қилдим. Ҳар йили пахта ва буғдой етиштириш режаларини бажариб келяпмиз. Истиқлолимизга кўз тегмасин.

Қурбонбой Бекмуротов, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси:

— Ёшим 87 да. Ҳали тетикман. Урушга кетганимда навқирон йигит эдим. Инсон умри кўз очиб-юмганча ўтади, деганлари рост экан. Ҳадемай, Истиқлолимизнинг 20 йиллигини нишонлаймиз. Шу давр ичида Президентимизнинг оқилона сиёсати туфайли юртимиз дунёга танилди, жадал ривожланиб бораётган мамлакатга айланди. Муҳими, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо. Бу барчамизнинг бахтимиз.

Гулюз Халмуратова, ТАТУ Нукус филиалининг 3-курс талабаси:

— Қорақалпоғистондаги биринчи аёл бастакор ижоди ва ҳаёт йўлига бағишлаб ўз сайтимни яратдим. Қорақалпоқ, ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги бу сайт ўтган йили интернет тармоғига қўйилди. Юртбошимиз Қорақалпоғистонга келганида биз ўқиётган даргоҳга ҳам ташриф буюргандилар. У киши менга сайтимнинг мазмунини янада кенгайтириш бўйича ғоят самимий маслаҳатлар берди. Жонажон юртимизнинг жаҳон бўйлаб танилиши учун астойдил ўқиб изланаман...

Ҳа, буюк неъмат — Истиқлол ҳақида ҳар қанча сўзласак, шунча кам. Унинг 20 йиллиги ҳақида ўй сурсам, беихтиёр хаёлимда уч замон — ўтмиш, ҳозирги кун ва келажак гавдаланади. Бу хаёлларим адолатли ҳакам — вақтнинг тилларанг уфқларига туташиб кетгандай туюлаверади, қалбимда шундай ажойиб юртда туғилганим, униб-ўсганим, бу ернинг меҳнатсевар, имони бут инсонлари сафида улуғ кунларни қаршилашга чиқаётганимдан фахр, ғурур ҳисларини туяман.

Ғ.ЁҚУБОВ,
«Hurriyat» мухбири

ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ

Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятчиларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида бошқарма ва туман бўлимларида ташкил этилган «Ишонч» телефонлари ҳақида маълумот

1. Бошқарма навбатчилик қисми	241-92-05
2. Бектемир туман бўлими	295-18-90
3. Мирзо Улуғбек туман бўлими	237-44-81
4. Миробод туман бўлими	215-67-07
5. Олмазор туман бўлими	228-01-00
6. Сирғали туман бўлими	258-75-71
7. Учтепа туман бўлими	271-45-18
8. Чилонзор туман бўлими	271-12-56
9. Шайхонтоҳур туман бўлими	249-61-14
10. Юнусобод туман бўлими	747-13-31
11. Яккасарой туман бўлими	250-13-66
12. Ҳамза туман бўлими	289-59-88

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ
корхона ва ташкилотларга КУРЬЕРЛИК хизматини таклиф этади
Телефон: (8 371) тел: 233-57-47; факс: 236-09-21
Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

Холис ва ҳозиржавоб минбар

(Боши 1-бетда.)

Газета ва журналлар таҳририятларининг мустақиллигини, эркинлигини амалда таъминлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий механизмлар яратилди. Бу эса, ижод аҳлидан масъулият билан ишлашни талаб этади.

Журналистларимизнинг ижодий фаоллиги ва маҳоратини оширишда уюшма томонидан ўтказилаётган турли номдаги танловлар катта аҳамиятга эга бўлмоқда. "Атиргул", "Олтин қалам", "Йилнинг энг фаол журналисти", "Энг улуғ, энг азиз" каби кўрик-танловлар иқтидорли журналистларни аниқлаш, қўллаб-қувватлаш, уларни янги ижодий марралар сари даъват этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги кунига бағишланган "Энг улуғ, энг азиз" танлови олдинги йилларда бешта йўналиш, хусусан, бадиий адабиёт, босма ОАВ, телерадиожурналистика, тасвирий санъат ва кино санъати соҳаларида ўтказилиб келинарди. Бу йил эса, Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига биноан юқорида келтирилган ҳар бир йўналиш бўйича алоҳида танловлар ўтказиш белгиланди. Шунга кўра, бу йил "Энг улуғ, энг азиз" республика танлови журналистика соҳасида ўтказилиши кўзда тутилган. Танлов бу йил Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Журналистлар ижодий уюшмаси, Миллий ахборот агентлиги, Миллий телерадиокомпания, "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси, Электрон ОАВ миллий ассоциацияси ҳамда Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамкорлигида ўтказилади. Айни пайтда танловни ўтказиш юзасидан қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

"Олтин қалам" ва "Энг улуғ, энг азиз" танловларини ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат Фонди томонидан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг мазкур танловлар бўйича ижтимоий буюртмасига мувофиқ ажратилган маблағ ҳисобидан молиялаштирилмоқда.

ОАВнинг ижтимоий ҳаётга таъсири ҳақида гап кетганда, унинг кучи жамият ҳаётидаги долзарб масалаларни кўтариб чиқишда, самарали ечимларини кўрсатиб беришда, мавжуд муаммоларга жамият аъзолари диққатини жалб қилишда, қолаверса, давлат органлари фаолиятини назорат қилиб боришда кўринади. Шу маънода, у халқни ҳокимият билан боғловчи восита сифатида майдонга чиқмоғи даркор. Матбуотнинг демократик жамиятдаги асосий вазифаси жамоатчилик фикрига таъсир кўрсатиш орқали назоратни амалга оширишдан иборатдир.

Истиқлолга эришган давлатимиз учун ўз миллий ахборот маконига эга бўлиш, уни назорат қилиш қобилиятини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, давлатимизнинг мудофаа қобилиятини оширишдан тортиб ўз миллийлигимизни муҳофаза этишгача бўлган барча тадбирларнинг ана шу сиёсатга боғлиқлиги ҳам айни ҳақиқатдир.

Журналистика учун энг асосий мезон — ҳаёт ҳақиқатини акс эттиришдан иборат. Айни вақтда матбуот ва эфир орқали ҳақиқатни ёритиш, одамларга етказиш ҳар қайси журналистнинг билим ва тажрибасига, профессионал маҳоратига, фуқаролик позициясига боғлиқ. Бугунги мураккаб ҳаётда оқу қорани ажратиб, ҳақиқатни англаб олишда одамларга, аввало, ОАВ, журналистлар ёрдам бериши керак. Улар ўз маҳорати, билим ва истеъдоди билан замонавий ахборот воситалари имкониятлари, ахборот тўплаш ҳамда уни оммага етказишнинг усул-услублари ҳақида етарли малака ва кўникмаларга эга бўлишлари лозим.

Ҳозирги кунда журналистика соҳасидаги энг долзарб масалалардан яна бири, иқтидорли ёшларнинг ўз интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришлари учун зарур шарт-шароит яратиш, замонавий ахборот коммуникация технологиялари, рақамли ва кенг форматли телекоммуникация алоқа воситалари, интернет тармоғини янада ривожлантиришдан иборатдир. "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Ўзбекистон электрон ОАВ миллий ассоциацияси, Журналистлар ижодий уюшмаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамкорлигида умидли ёшларни аниқлаш, улар фаолиятини давр руҳига монанд ташкил этишга яқиндан кўмаклашиш мақсадида турли ижодий лойиҳалар, грант дастурлар амалга оширилиб, семинар-машғулотлар, анжуманлар, кўрик-танловлар, малака ошириш курслари ташкил этиб келинмоқда.

Кадрлар масаласи барча соҳаларда бўлгани каби, ОАВнинг истиқболи, унинг жамиятдаги мавқеининг мустаҳкамланиши ва эркин ривожланишини белгилайдиган муҳим омиллардандир. Журналист кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳозирги куннинг энг устувор вазифаларидан биридир. Бу соҳада Ўзбекистонда сезиларли ишлар қилинди, лекин камчиликларимиз ҳам йўқ эмас.

Вазирлар Маҳкамасининг бундан 12 йил муқаддам "Журналист кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги қароридан сўнг мавжуд тизимни ислоҳ этиш йўлида сезиларли ишлар амалга оширилди. Мамлакатимизнинг олий ўқув юртларида журналист кадрлар тайёрлашга ихтисослашган факультетлар ҳолати ўрганилди. Журналистларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг аҳволи қайта кўриб чиқилди. Ҳозирги кунда республикамизнинг олий ўқув юртлари — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети, Жаҳон тиллари университети, Санъат институти ва Нукус давлат университетида журналист кадрлар тайёрланмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 августдаги қарорига иловада 2006-2010 йиллар давомида оммавий ахборот воситалари соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш Давлат дастурининг мақсадли вазифаларини босқичма-босқич амалга оширишнинг асосий йўналишлари белгилаб берилган. Шундай экан, журналист кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш дастурини амалга ошириш, бу борада бошланган ишларимизни изчил давом эттириш бундан буён ҳам устувор вазифа бўлиб қолади.

Давлат ОАВнинг иш шароитларини яхшилаш, ахборот асри талабларига мос келувчи ҳуқуқий асосларни яратиш йўлида муҳим ишларни амалга оширмоқда. Халқимиз ОАВдан юртимиз ва хорижда содир бўлаётган воқеалар тўғрисида, мамлакатимиздаги ислоҳотлар ҳақида, ҳаётдаги долзарб муаммолар хусусида ошкора, чуқур таҳлилий, айни чоғда, танқидий материалларни катта қизиқиш билан кутмоқда. Шундай экан, журналистларимиз Ватанимиз равнақини таъминлаш, эркин ва фаровон ҳаёт сари интилишимизда рўй бераётган ўзгаришлар, давлатимиз ички ва ташқи сиёсатининг ўзига хос йўналишлари, иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш, жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтириш йўлидаги барча муаммоларнинг ечимини топишда халқимизга яқиндан ёрдам беришлари лозим.

Таҳририят почтасидан

Ўқув-семинари ўтказилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, «Жаҳон» ахборот агентлиги билан ҳамкорликда «Журналистларнинг ислоҳотларга оид билимларини ошириш бўйича ўқув-семинари» ўтказилди.

Тадбирни академия ректори Қиёмиддин Назаров кириш сўзи билан очди. Семинарда Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов, ЎзА бош директори М.Ҳазратқулов, академия профессорлари Н.Абдуазизова, Т.Жўраев, Ҳ.Абулқосимовлар сўзга чиқиб, «Истиқлол йилларида мамлакатимизда эришилган ютуқларнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши ва бу жараёнда журналистларнинг долзарб вазифалари», «Давлат ва жамият қурилишини модернизациялаш: ютуқлар ва истиқбол», «Маънавият ва оммавий ахборот воситаларини эркинлаштиришга доир ислоҳотлар ривожи», «Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёт одимлари» мавзуларида маъруза қилдилар.

Семинарда иштирок этган оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳам ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

Иномжон АБДИЕВ,
«Hurriyat» мухбири

Вилоят журналистларига эътибор

22-28 май кунлари Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан Самарқанд ва Жиззах вилоятлари босма нашрларида фаолият олиб бораётган 20 нафар ёш журналистни республикамизнинг марказий газеталари ва ахборот агентликларида малака оширишлари режалаштирилган.

Лойиҳа иштирокчилари амалиётнинг дастлабки кунларида «Халқ сўзи» — «Народное слово», «Ўзбекистон овози» — «Голос Узбекистана», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Hurriyat», «Туркистон» — «Молодежь Узбекистана», «Моҳият», «Жамият», «Адолат», «Маърифат» — «Учитель Узбекистана» газеталари, «ЎзА», «Туркистон пресс» ахборот агентликлари ва «UzReport.com» интернет-портали таҳририятларидаги иш жараёнлари билан танишдилар.

Шунингдек, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Экологик ҳаракати, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтларида, ЎзМУ ҳамда ЎзДЖТУнинг журналистика факультетларида ўтказиладиган учрашув ва давра суҳбатларида қатнашишлари назарда тутилган.

Фозил ЖАББОРОВ,
«Hurriyat» мухбири

Фикр

Интернет журналистикаси:

муаммо ва ечим

Бугунги глобаллашув даврида ОАВ ичида интернет журналистикаси инсониятни янгиликдан тезкор хабардор этувчи объект сифатида ривожланиб бормоқда. Тарихга назар ташласак, ўтган асрнинг 70-йилларида дастлаб ҳарбий соҳада қўллана бошланган, кейинчалик аудиториясини молиявий ташкилотларгача кенгайтирган интернет ҳозир ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий, маданий, қўйингки, барча соҳаларни қамраб олгурди.

Эндиликда "Интернет журналистикаси" деган атамани тез-тез эшитишга одатланиб қолдик. Лекин "Интернет журналисти" ўзи ким? Менимча, бу саволга дабдурустдан жавоб бериш мушкул. Сабаби, интернет орқали ўқиган мақоламиз остига ёзилган аноним тарзидаги "Мистер макс", "Алёнушка", "М", "Х" сингари "муаллифлар"ни бу соҳанинг одами дейиш фикридан йироқмиз. Интернет журналистикасини ҳар қандай одам учун "ёзиш" имконини беради, деб тушуниш ҳам ноўрин бўлса керак. Чунки ҳар бир касбнинг ўз мезонлари, одобахлоқ кодекслари, оддий қилиб айтсак, "тош-тарозуси" бўлади. Атоқли адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов ҳам: "эркинлик деганда оғзига келганини гапиришни тушунмаслик керак", деб ёзганди.

Интернет журналистикасининг биринчи даражали муаммоси ҳақиқий интернет журналистларининг ниҳоятда камлигида, десак янглишмаймиз. Аммо кейинги йилларда мазкур соҳага ҳам катта эътибор қаратилаётгани боис, соҳа аста-секин ўз ўзанини топиб бораётганини кўриш мумкин. Интернет журналистларини тайёрлаш, тарбиялаш ва соҳага жалб этиш юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, "Олтин қалам" халқаро танловида ҳам алоҳида "Интернет журналистикаси" номинацияси жорий этилгани ва ҳар йили уч киши муносиб рағбатлантириб келинаётгани фикримиз далилидир.

Албатта, қўлга киритилаётган ютуқлар билан бирга соҳада ҳалигача ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам борлигини таъкидлаш жоиз. Дейлик, ҳали маънавий жиҳатдан тўла шаклланмаган ўқувчи интернетдан бирор маълумот олиш мақсадида керакли мавзу номини киритиб қидириш тугмасини босди. Кутилмаганда экранда пайдо бўлган тушунарсиз суратлар ва уятсиз лавҳалар уни шошириб қўймайди, деб ким кафолат бера олади?! Шунинг учун юртимизда соҳани янада такомиллаштириш, уни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш лозим. Бу саъй-ҳаракат, аввало, эртанги кунимиз ва тараққиётимиз нечоғли қудрат касб этишини белгилаб беради.

Албатта, ўргимчак тўридек бутун дунёни ўз тўрига илинтириб бораётган интернетни бутунлай назорат остида тутиб бўлмайди, бу имконсиз. Лекин малакали Интернет журналистлари кўпайса ва виртуал майдонда ҳам улар ҳар хил вайронкор куч, ғояларга қарши ўз позицияларини намойиш эта олсалар, тўртинчи ҳокимият сифатида эътироф этилган ОАВнинг ҳурмати, қадри янада баланд бўлишига шубҳа йўқ.

Камола АЛИБЕКОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

Бугунги кунда мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари, реклама соҳасига доир қонунчилик такомиллашиб бормоқда. Хусусан, эндиликда маҳсулотлар рекламасида «шу турдаги маҳсулот ишлаб чиқарувчилар юқори органи ёки мутахассислари томонидан тавсия этилади» қабилидаги матнлардан фойдаланиш тақиқланади. Мисол учун, тиш ювиш пастаси рекламасидаги «Стоматологлар ассоциацияси тавсия этади», «Менинг стоматологим тавсия этади» сингари матнларга чек қўйилди.

«Сок»ли ва «шоколад»ли рекламаларнинг «таъми»

Рекламанинг оммавий ахборот воситалари моддий имкониятларининг бирмунча ошишига, маҳсулот ва хизматларни аҳолига таништиришда қўшаётган ҳиссаси катта. Бир сўз билан айтганда, чиройли, тушунарли, нозик дид билан ишланган реклама — чинакам санъат асари. Аммо яна бир масала борки, у ҳам бўлса, нашр қилинаётган ёки эфирга берилаётган рекламанинг миллий табимизга қай даражада мос келишидир.

Маълумки, совчилар бирон-бир хонадонга элчи бўлиб борганларида асосан қизнинг одоби, уй тутиши, оиласидаги ўзаро муомала маданиятига эътибор беришади. Аммо зинҳор уйидаги шоколадга эмас. Бу — халқимизнинг азалий удумларидан бири. Таажжубки, бир қатор таниқли санъаткорлар иштирокида тайёрланган шоколад рекламасида, гўёки ўзбек аёллари бундай шоколадни умрида кўришмаган ёки азбаройи бу шоколадни яхши кўрганларидан ўғлининг тақдири устидан шошилинч хулоса чиқаришга тайёр бўлиб гавдаланади. Гўё шоколад ҳамма нарсадан устундек.

Ёки телевидениедан тортиб кўча баннерларини ҳам «тўлдириб» турган сок рекламасини олайлик. Сир эмаски, халқимиз азалдан топган-тутганини оиласи, яъни фарзандлари, ота-онаси ва яқинлари билан баҳам кўришга одатланган. Бу фазилат оиланинг ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилибгина қолмай, ўзаро меҳр-муҳаббатнинг бир кўриниши ҳамдир. Юқорида биз тилга олган рекламада эса ота-она фарзандлари билан гўёки бекинмачоқ ўйнаш мақсадида, уларни ухлатиб, ўзлари сокни роҳат билан симирадилар. Шунақа ота-оналар ҳам бор экан-да! Ёки шундай характерни тарғибот қилишмоқчими, билмадим. Буниси ҳам майли, фарзандларини «Бола азиз, одоби ундан азиз» ҳикмати билан вояга етказувчи, уларнинг тарбиясига катта аҳамият қаратувчи халқимиз менталитетига эрталабки нонуштадан кўнгли тўлмасдан шоколадли крем дардида онасига ўшқираётган бола тасвирланган реклама қай даражада тўғри келади? Бу қадим-қадимдан маънавиятни моддиятдан устун кўрувчи халқимиз, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясига ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди, назаримда. Бунинг ўрнига болани тарбияга, одобга чорловчи сўзлар ва ҳаракатлардан, рекламанинг таъсир кучини орттиришнинг бошқа воситаларидан фойдаланилса, яна ҳам яхши бўларди.

Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида шундай жумлалар мавжуд: **«Шуни унутмаслик керакки, бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиёнга айланиши мумкин».**

Дарҳақиқат, реклама (у ҳам аввало ахборот) ҳам ўз мазмун-моҳиятига кўра иқтисодий тараққиётга, маҳсулот ва хизматларнинг омма орасида танилишига, моддий манфаатнинг ортишига хизмат қилиши лозим. Шу сабабли реклама соҳасидаги ислоҳотлар янада такомиллаштирилса, мутасадди ташкилотлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинаётган реклама маҳсулотларининг маънавий-мафкуравий жиҳатларига янада жиддийроқ аҳамият қаратсалар, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Абдумуталлиб ЎКТАМОВ

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА ОБУНА БЎЛИНГ!
Телефон: (8 371) 233-08-34 ,
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

ДУНЁДА НИМА ГАП?

Дараклар

КУЛ «БУЛУТ»ЛАРИ ТУФАЙЛИ...

Исландиядаги «Гримсвотн» вулқони ҳаракатга келганидан хабарингиз бўлса керак. Вулқондан отилиб кўкка ўрлаётган кул «булут»лари Шотландия ва Шимолий Ирландия ҳудудларига қадар етиб борди. Бунинг оқибатида 252 та авиарейснинг амалга оширилиши бекор қилинди.

«France-Presse» тарқатган хабарларга қараганда, Шимолий Ирландиянинг «Ryanair» ва «Aer Lingus» авиакомпанияларига тегишли самолётларнинг Шотландиянинг Глазго, Эдинбург, Абердин ҳам Ирландиянинг Дублин, Корка ва Шэннон шаҳарларидаги аэропортларга қўниши ва учишига рухсат берилмаган. Шунингдек, Шотландиянинг «Loganair» компанияси ҳам ўзининг 36 та рейсини бекор қилган. Голландиянинг KLM авиакомпанияси эса Буюк Британиянинг шимолий ҳудудига бўладиган 16 та рейсини номаълум муддатга қолдиришга мажбур бўлган.

Эслатиб ўтамиз, «Гримсвотн» вулқони 21 май куни отила бошлаган эди. Ҳозир ундан чиқаётган тутун ва кул 20 километр баландликка кўтарилди. Бу эса, «Гримсвотн»нинг ўтган йилнинг март ойида ҳаракатга келган Эйяфьятлайокудля вулқонидан ҳам кўламлироқлигидан дарак беради. Дарвоқе, ўшанда вулқон отилиши бутун дунё авиакомпанияларига 1,7 миллиард доллар миқдорида зарар етказган.

СУЗИБ ЮРУВЧИ ЗАВОД

«Royal Dutch Shell» англо-голланд нефть компанияси суюлтирилган табиий газ ишлаб чиқарадиган завод қурилиши режасини яна фаоллаштирди. Агар бу режа амалга ошса, мазкур завод дунёдаги биринчи сузиб юрувчи завод бўлади.

Таҳлилчиларнинг ҳисоб-китобларига кўра, лойиҳанинг қиймати 8 миллиард АҚШ долларидан 15 миллиард долларгача бўлиши мумкин. Австралия қирғоқларидан 200 километр узоқликда жойлашиши режалаштирилган мазкур заводда 3 миллиард кубометр суюлтирилган табиий газ ишлаб чиқарилади.

Компания тақдим этган пресс-релизда ёзилишича, заводга қайта ишлаш учун келадиган газ Австралиянинг Прельюд конидан юборилади. Сузиб юрувчи завод сифатида фойдаланиладиган гигант кема қурилиши учун «Royal Dutch Shell» 2009 йилда Кореянинг «Samsung Heavy Industries» компаниясига буюртма берган. Унинг узунлиги 488 метр, сув сиғими эса 600 минг тонна бўлиши кутилмоқда.

ЙИЛНИНГ ЕВРОПА МУЗЕЙИ



Бельгиянинг Тонгерен шаҳрида жойлашган Галло-рим музейи «Йилнинг Европа музейи» мукофоти лауреати бўлди. Бу ҳақда Европа музей форуми сайтида хабар тарқатилди.

Галло-рим музейи расман 1954 йилда ташкил этилган. Аммо ташкилотнинг сайтида аниқлик киритилишича, унинг тарихи XIX асрнинг ўрталаридан бошланади. Айни ўша даврдан бошлаб Тонгереннинг Қироллик тарихий ва археологик жамияти ҳудуд тарихига оид қазишма ишларини олиб боради. Археологик топилмалар эса илк бор 1854 йилда оммага намойиш қилинади.

«Йилнинг Европа музейи» мукофоти 1977 йили археолог Кеннет Хадсон томонидан таъсис этилган. Ўтган йили мазкур мукофотга Штральзунд шаҳрида жойлашган Ozeaneum музей-аквариуми сазовор бўлган эди.

«СОЮЗ» УЧ КОСМОНАВТ БИЛАН ЕРГА ҚЎНДИ



«Союз ТМА-20» космик кемасидан ажратилган аппарат 24 май куни эрталаб Қозоғистонга, аникроғи, Қарағанда шаҳридаги аэродромга қўнди. РИА Новости тарқатган хабарга кўра, уч кишидан иборат фазогирларнинг қўниш жараёни муваффақиятли амалга ошган.

«Союз» кемаси халқаро космос станциясидан ерга қайтиб келган россиялик фазогир Дмитрий Кондратьев, Европа космик агентлиги астронавти, италиялик Паоло Несполи ва НАСА астронавти Кетрин Колманлар шифокорлар кўригидан ўтказилган.

«Интерфакс» хабарига кўра, фазогирлар билан бирга дрозофил чивинлари ҳам қайтиб келишган. Улар космик парвознинг тирик организмларга таъсирини ўрганиш мақсадида коинотга олиб чиқилганди. Чивинлар жойлаштирилган қурилманинг ерга бешикаст қўнишини таъминлашда учта самолёт, 14 та вертолёт ва яна бошқа еттита техник воситадан фойдаланилган.

Фазогирлар халқаро космик станцияга 2010 йилнинг декабрь ойида етиб бориб, 159 сутка орбитада бўлишди. Бу пайтда Дмитрий Кондратьев икки марта очиқ космосга чиқишга муваффақ бўлди.

ИЛК БОР НЬЮ-ЙОРКДА ЎТКАЗИЛАДИ

Лондоннинг машҳур «Frieze» арт-ярмаркаси Нью-Йорк шаҳрида ўз филиалини очади, деб ёзади «The Art Newspaper». Америкада биринчи бор ташкил этилаётган мазкур ярмарка 2012 йилда бўлиб ўтади.

Ярмаркада 170 та замонавий санъат галереялари иштирок этади. Нью-Йорклик галерея эгаси Тони Бонакдарнинг фикрича, «Frieze» ярмаркаси омманинг санъатга бўлган қизиқиши янада ошишига ёрдам беради.

«Frieze» арт-ярмаркаси замонавий санъат соҳасида катта нуфузга эга. У 2003 йил октябрь ойидан буён Лондон шаҳрида ўтказиб келинарди. Ўтган йили ярмаркадаги савдодан 150 миллион АҚШ долларига яқин маблағ тушган.

ҲАМКОРЛИКДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ

Японияниг автомобиль ишлаб чиқаришга ихтисослашган икки гигант компанияси – «Mitsubishi» ва «Nissan» келажак автомобилларини ишлаб чиқаришни бошлайдиган кўринади. Улар томонидан тайёрланадиган бундай машиналар ўзининг тежамкорлиги, ихчамлиги билан бугунги автомобиллардан кескин фарқ қилади.

Ўтган жума куни иккала компания раҳбарлари тенг ҳуқуқли ҳамкорлик ҳақидаги битимни имзоладилар. Унга кўра, қўшма корхона миникаралар ишлаб чиқаришни шу йилнинг 1 июнидан бошлаб йўлга қўядилар. Ҳозирча ишлаб чиқариладиган келажак автомобиллари Японияниг ички бозорларида сотилади. Жуда кам ёнилғи эвазига ишлайдиган бу машиналарнинг экспорти хусусида ҳозирча ҳеч нима дейилмаяпти.

КИТОБЛАРНИНГ ОНЛАЙН СОТУВИ

Жорий йилнинг апрель ойидан бошлаб Amazon.com онлайн-магазинида электрон китобларнинг сотуви қоғозли китобларга нисбатан анча кўпайди, дея хабар тарқатди «The New York Times». Онлайн китобларни сотиб олишда Amazon.com энг оммабоп манба ҳисобланади.

«Биз қачондир шундай бўлишига умид қилган эдик. Лекин бу воқеа шунчалар тез бўлишини кутмагандик», — деди Amazon бош директори Джефф Безос. У қоғозли китоблар Amazon.com орқали 15 йилдан, электрон китоблар эса 4 йилдан буён сотилаётганини таъкидлади.

Мазкур воқеа индустрия вакилларини ҳайратга солмади, деб ёзади «The New York Times». Негаки, 2010 йилнинг июль ойида электрон китоблар сотув бўйича қаттиқ жилдли китобларни, 2011 йил январда эса юмшоқ жилдли китобларни ортда қолдирди.

«КАРИБ ДЕНГИЗИ ҚАРОҚЧИЛАРИ»НИНГ РЕКОРДИ

20-22 май кунларидаги Россия кинопрокати натижаларига кўра, «Кариб денгизи қароқчилари: ғалати қирғоқларда» фильми рус фильмлари кетма-кетлигида 26,5 миллион доллар маблағ йиғиб, энг юқори ўринни қўлга киритди.

Мазкур фильм премьераси 18 май куни ўтказилган эди. «Disney» компанияси маълумотларига кўра, премьера ўтгандан бери бу фильм учун 31,3 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ йиғилган.

Иккинчи ўринни 28,7 миллион доллар миқдорида даромад келтирган «Форсаж-5» фильми банд этган бўлса, учинчи поғона «Қаламбирли довюраклар» комедиясига насиб этди.

КИМОШДИ САВДОСИДА КЛАССИК АВТОЛАР

Италияда бўлиб ўтган дизайнерлар конкурси доирасида уюштирилган кимошди савдосида 1955 йилда ишлаб чиқарилган «Ferrari 375 MM Berlinetta» русумли автомобиль 3 миллион 360 минг еврога сотилди.

Бу машина Pininfarina ателъесида тайёрланган ўнта автомобилдан бири ҳисобланади. Машина 4,5 литр сиғимли, 12 цилиндрли, 340 от кучига тенг двигатель ва тўрт босқичли механик узатмалар қутиси билан жиҳозланган.

Кимошди савдосида «Ferrari» русумли яна иккита машина сотувга қўйилди. Улардан бири – «Ferrari 500 TRC Spider» 2,8 миллион еврога, иккинчиси – «Ferrari GT LWB California Spyder» 2 миллион 520 минг еврога сотилди. Шунингдек, кимошди савдосида 1938 йилда ишлаб чиқарилган «Talbot-Lado T150-C SS Teardrop Coure» 3 миллион 136 минг, 1967 йилда тайёрланган «Lamborghini Marzal» 1 миллион 512 минг, 1937 йилда ишланган «Mercedes-Benz 540 K» 1 миллион 400 минг еврога пулланди.

ОКЕАН СУВИ ТОШАДИМИ?



2100 йилга бориб Тинч океанидаги сув сатҳи 1990 йилдаги даражасига нисбатан 1 метрга кўтарилиши мумкин.

Австралия иқлимини ўрганиш қўмитаси мутахассислари ана шундай хулосага келдилар. Ваҳоланки, 2007 йилда Иқлим ўзгаришларини ўрганувчи ҳукуматлараро гуруҳ (IPCC) экспертлари бу уммондаги сув сатҳининг кўтарилиши 70 сантиметр атрофида бўлишини билдиришганди.

Австралиялик иқлимшуносларнинг эса Тинч океанидаги музларнинг, айниқса, Гренландия музликларининг умри тез тугаб бораётгани туфайли юқоридаги хулосага келишганини билдирмоқдалар.

Интернет хабарлари асосида Шаҳноза ТУРСУНОВА тайёрлади.

Банк ва мижоз

ДОИМО ХАЛҚ ОРАСИДАМИЗ

AGROBANK

Мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани сингари банк тизимида ҳам кенг қамровли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, бугун юртимизнинг ҳар бир туман ва қишлоқларида молия муассасаларининг бўлимлари, филиаллари ташкил этилиб, аҳолига сифатли банк хизматлари кўрсатилмоқда. Шуни қувонч билан таъкидлаш жоизки, энг узоқдаги аҳоли пунктларида ҳам мижозлар билан ишлаш замон талаблари асосида йўлга қўйилган.

«Агробанк» ОАТБнинг Навоий вилоят бошқармаси жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига 8925 нафар мижозга тезкор ва қулай хизмат кўрсатиб келмоқда. Жумладан, 4228 та қишлоқ хўжалиги корхонаси, 554 та бюджет ташкилоти, 5 та қўшма корхона, 3199 та кичик бизнес субъекти (шундан 2265 таси якка тартибдаги ва хусусий тадбиркорлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатилган). Агар мижозлар сонини 2011 йил 1 январь ҳолати билан таққослайдиган бўлсак, уларнинг 54 нафарга кўпайгани маълум бўлади. Мижозлар сонининг мунтазам ошиб бориши ушбу банкка одамларнинг ишончи кундан-кунга ортиб бораётганини кўрсатади. Зеро, қаерда яхши ва сифатли хизмат кўрсатилса, ўша ерда банкдан фойдаланувчилар кўпайиб бораверади.

«Агробанк» банкнинг вилоят бошқармаси томонидан Президентимизнинг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг дастлабки 3 ойи давомида банк филиаллари томонидан 230 миллион сўм акциялар сотилиб, мижозларга 154 миллион сўм корпоратив облигациялар, 180 миллион сўм миқдорида депозит сертификатлари тарқатилди. Бу эса банк устав капиталини оширишга хизмат қилади.

Шунингдек, ушбу молия муассасаси мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш борасида олиб борилаётган долзарб чора-тадбирларни амалга оширишга муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Айниқса, 2011 йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши банкнинг бу йўналишдаги фаолиятини янада тезлаштирди. Асосий эътибор кичик бизнес субъктларини қўллаб-қувватлашга, иқтисодиётнинг аграр секторини янада барқарор ривожлантиришга, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни изчиллик билан олиб боришга, фермер хўжаликларнинг моддий базасини мустаҳкамлашга, маҳсулотларни қайта ишловчи замонавий корхоналарни жадал барпо этишга, юқори сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича замонавий технологиялар ва ускуналарни татбиқ қилиш ҳамда ички бозорни маҳаллий озиқ-овқат товарлари билан тўлдиришга қаратилди. Бунинг самараси ўлароқ, банк филиаллари томонидан тадбиркорлар ва кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ошди. Қишлоқ жойларида истиқомат қилувчи аҳоли учун янги иш ўринлари барпо этиш имконияти кенгайди.

Энг асосийси, мазкур банк томонидан аҳоли омонатларини янги, жозибадор турларини ташкил этган ҳолда, бўш пул маблағлари жалб этилиб, нақд пул тушумларини кўпайтиришга эришилмоқда.

Мамлакатимиз раҳбарининг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини купайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан банкнинг ўз маблағи ҳисобидан 2011 йилнинг биринчи чораги давомида жами 68 та кам таъминланган оилага қорамоллар сотиб олиш учун 87,5 миллион сўмлик кредитлар ажратилди.

Юртимизда хизмат кўрсатиш соҳасини тубдан ислоҳ этиш мақсадида Президентимиз томонидан 2007 йил 21 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарор ижросини бажариш учун банкнинг ўз маблағи ҳисобидан қишлоқ жойларда 4 та маиший хизмат кўрсатиш объектига жами 120 миллион сўмлик кредитлар йўналтирилди. Натижада 12 та иш ўрни яратилди. Бундан ташқари, мазкур соҳага вилоят Меҳнат бандлиги маблағи ҳисобидан 3 та хўжалик субъектига жами 10 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилишига эришилди.

Юқоридагилар қаторида давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида 9 та ёш оилага жами 141,3 миллион сўмлик микрокредитлар берилди. Шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи 29 нафар хотин-қизга жами 322 миллион сўмлик кредитлар ажратилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 22,3 миллион сўмга кўп демакдир.

«Ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 январдаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳам «Агробанк» ОАТБнинг Навоий вилоят бошқармаси томонидан қўплаб ижобий ишлар амалга оширилаётганини кўриш мумкин. Масалан, жорий йилнинг ўтган даврида 15 нафар мижозга банк маблағи ҳисобидан 1213,0 миллион сўм миқдорида ишлаб чиқариш корхоналарига техник ускуна ва хомашё олиш учун кредит ажратилди. Қолаверса, бошқарманинг туман бўлимлари томонидан жами 17 нафар мижозга иссиқхона ташкил этиш мақсадида 1244,0 миллион сўм кредит ажратилиб, 30 та янги иш ўрни яратилди. Қолаверса, қуруқ меваларни қадоқлаш, ноанъанавий равишда ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш, сут маҳсулотлари, гўшт ва гўштни қайта ишлашни йўлга қўйиш мақсадида, шунингдек, юқори ҳароратга чидамли ғишт маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва иқтисодиётнинг турли тармоқларини ривожлантириш учун йирик миқдордаги имтиёзли кредитлар ажратилди. Натижада бугун қўплаб корхоналарда хомашёдан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Масалан, Навоий шаҳар ҳудудий филиали мижози бўлган «Одил брок сервис» МЧЖ олинган кредит эвазига корхона ташкил этиб, сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаб чиқариш ускуналарини сотиб олишга эришди. Шунинг баробарида 10 та ишчи ўрни ҳам яратилгани эътиборга молиқдир. Бугунги кунда ушбу корхонада кунига 1 тонна сут қайта ишлаб чиқарилиб, аҳолига тортиқ этилмоқда.

Шу ўринда яна бир маълумотни келтириб ўтиш жоиз: «Агробанк» ОАТБ Навоий вилоят бошқармаси томонидан 2011 йил 1 апрель ҳолатига 26 миллиард 933 миллион сўм инвестиция кредитлари ажратилиб, шундан 23 миллиард 97 миллион сўми асосий капитални кўпайтиришга йўналтирилди. Агар кредитларни тармоқлар бўйича кўриб чиқадиган бўлсак, саноатни ривожлантириш учун 3 миллиард 109 миллион сўм, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга 17 миллиард 292 миллион сўм, транспорт ва коммуникация соҳасини ривожлантиришга 349 миллион 780 минг сўм, қурилиш соҳасини ривожлантиришга 4 миллиард 865 миллион сўм, ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга 156 миллион сўм ва материал-техник таъминот ва маиший хизмат кўрсатишни ривожлантириш учун 1 миллиард 162 миллион сўм инвестиция кредитлари йўналтирилганининг шоҳиди бўлиш мумкин.

Ажратилган мана шундай кредитлар эвазига ўсимлик мойи ишлаб чиқариш заводларини қуриб ишга туширилиши учун Хатирчи туманида «Хатирчи ёғ-мой» хусусий корхонасига 350 миллион сўмлик ва Қизилтепа туманидаги «Вангози Агроэкспорт» корхонасига 250 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар берилди. Бугунги кунда ушбу корхоналар томонидан тақдим этилган лойиҳалар молиялаштирилиши натижасида маҳаллий аҳолига ҳамда қўшни вилоятларга табиий тоза ва зарарсиз мой маҳсулотлари етказиб берилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, «Агробанк» ОАТБ Навоий вилоят бошқармаси томонидан ажратилган кредитлар эвазига бугунги кунда вилоят аҳолисининг 640 нафари муқим иш жойларига эга бўлди. Аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга эришилмоқда.

Ислом СУЛТОНОВ ®

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ
«ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати
ПОЧТА АЛОҚАСИ
хизматларидан фойдаланинг!
Телефон: (8 371) 237-21-93; 237-16-24
Сайт: www.pochta.uz; E.mail: oao@post.uz

Қадриятларимиз

Келинг, тўғри саломлашайлик!

Дўстлар, яхшиларни авайлаб асранг,
Салом, деган сўзнинг салмоғин оқланг.
Мақсуд ШАЙХЗОДА.

Инсонлар саломалик орқали, аввало, ўз одоб-ахлоқини, хушмуомалалигини намоён этади. Шу боис "Ассалому алайкум" ибораси кўпгина мамлакатларда бир хил қўлланилади. Бу шарқона меҳр-оқибат, иззат-ҳурматнинг ифодаси сифатида ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Шу икки оғиз сўз кундалик ҳаётимизга ниҳоятда сингиб, ахлоқий меъёрга айланиб кетгани туфайлими, кўпинча унинг маъносига эътибор қилавермаймиз.

Бир куни бекатда автобус кутаётгандим. Атроф гавжум. Ҳамма ўзи билан ўзи овора. Шундай бўлса-да, бир воқеа хаёлимни тортди. Чамаси эллик-эллик беш ёшлар атрофидаги киши бекатдаги ўриндиқлардан бирига келиб ўтирди. Шу пайт бир ўсмир йигит "Ассалому алайкум" — дея ҳалиги кишига тавозеъ билан салом берди. У киши эса алик олиш ўрнига бош силкиб қўя қолди...

Ҳозирги кунда кўпчилик фақат таниган, билганлари билангина салом-алик қиладиган бўлишган. Бегоналарга, ёши улуғ бўлса-да, салом бермаслик эса одатий ҳолга айланиб бормоқда. Ваҳоланки, динимизда ҳам салом бериш суннат, алик олиш фарз саналади. Ҳадислардан бирида ёзилишича, Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) шундай деганлар:

— Отлиқ пиёдага, озчилик кўпчиликка салом бериши керак!

Дунё халқлари, миллатлари ва элатлари ўзига хос тарзда салом-алик қиладилар. Масалан, ҳиндлар кафтларини жуфтлаб, пешонасининг ўртасига теккизиб, "Намасте" дейишади. Бу сўз "бош омон бўлса, ҳамиша сиз билан бирга бўламиз" деган маънони билдирар экан. Афғонлар эса ўнг қўлини манглайига теккизиб, таъзим бажо келтиради. Бу ҳам "бошимиз омон бўлсин" маъносини англатади. Бизда "Ассалому алайкум" дея ўнг қўлини чап кўксига қўйган ҳолда, бироз бошни эгиб, очиқ чеҳра билан саломлашиш одобли ва самимий кишиларга хос фазилатдир.

"Салом" сўзи арабча "Салима", келаси замон шакли "Ясламу" феълидан олинган бўлиб, саломатлик, тинчлик, хавф-хатарсизлик, нуқсонсизлик, поклик, осойишталик, халос бўлиш, нажот топиш каби бир қанча маъноларни билдиради. "Ас-салом" сўзи эса мутлоқ камолотли, бекаму кўст деганидир. "Алайкум" сўзи икки қисмдан иборат бўлиб, арабча "Алай" кўмакчиси (яъни ўзбек тилидаги "-га" келишик қўшимчаси), "Кум" иккинчи шахс "Сиз" кишилик олмошини билдиради. Шундай қилиб, бу сўз "сизга саломатлик бўлсин", "тинчлик ва осойишталик бўлсин" маъноларини англатар экан.

Бу ибора ислом дини тарқалган Ўрта ва Яқин Шарқ, Осиё, Африка мамлакатлари халқлари томонидан қабул қилиниб, 1400 йилдан буён қўлланиб келинмоқда. Шу жумладан, бизнинг диёримизда ҳам бу ибора кўришиш ва салом-алик учун ягона, асосий восита сифатида қўланилади.

Баъзан саломлашиш одобининг қўпол тарзда бузилаётганлигига шоҳид бўламиз. Айрим кишилар "Ассалому алайкум" ўрнига "Салом" дейиш билан кифояланади. Ёки бир киши иккинчисига тавозеъ билан «Ассалому алайкум" десаю, иккинчиси индамай бош қимирлатиб қўйса, бу қандай ҳолни билдиради? Бу, албатта, салом берган кишига нисбатан ҳурматсизлик, уни менсимасликдир. "Ассалому алайкум"ни тўла айтиб сўзлашиш халқимизнинг энг яхши ва қадимий анъаналардан бири. Баъзи тенгдошларимизнинг бу сўзни бузиб, "Сом алайкум" тарзида айтаётганига ҳам дуч келамиз. "Сом" араб тилидан таржима қилинганида "ўлим" демакдир. Улар бошқаларга ҳурматларини ифодаламоқчи бўлиб, ўзлари сезмаган ҳолда ўлим тилаётганликларини билармикинлар?!

Аста-секинлик билан Ғарбдан кириб келаётган маданият саломлашишдай қадриятимизга ўз таъсирини кўрсатмай қўймади. Айрим тенгдошларимиз одоб доираларидан чиқиб, ўзаро "сава", "салют" дея сўрашишни лозим кўришади. Бунинг устига мағзи пуч кинофильм қаҳрамонлари ҳам шунга ўхшаш сўзларни масхараомуз ишлатиб, одоб доирасини пайхон қиляпти. Бошларини уриштириб кўришишларини айтмайсизми?! Шу сингари «ўзбошимчалик»лар шарқона анъаналаримизга путур етказмаяптими, деб ўйланиб қоласан, киши. Айниқса, айримлар танимаган кишиларга салом бериш шарт эмас, деб тушунадилар. Катта ёшдаги кишиларимизни ҳам бундан мустасно дея олмаймиз. Чунки улар гоҳида саломга қисқагина алик олиб ёки алик маъносида бош ирғасалар, гоҳида умуман алик олмасдан бепарволарча йўлларида давом этади. Лоақал оддийгина салом бериш, алик олиш одобини ўз ўрнида қўлласак, нур устига аъло нур бўларди.

Салом-алик, кўришиш ҳам ўзига хос одоб санъати бўлиб, уни юксак маданият даражасига кўтариш лозим. Чунки зукко ва доно халқимиз кўпинча кишиларнинг салом бериш, кўришишидаги одобига қараб унинг қанчалик тарбия кўргани ёки кўрмаганлигига баҳо берадилар.

Халқимизда бир мақол бор: "Қуш уясида кўрганини қилади". Буни бежизга келтирмадик. Оиладаги муҳит саломлашишга ўз таъсирини кўрсатмай қўймайди. Бунинг учун ота-онанинг тарбияси муҳим аҳамият касб этади. Фарзандлар эрталаб уйқудан туриб юз-қўлини ювгандан сўнг аввал ота-онага, бошқа оила аъзоларига салом беришлари оиладаги одобдан даракдир.

Биз ота-боболаримизнинг бу ахлоқий меросини ўзимиздан кейинги авлодларга қандай бўлса шундайлигича етказилишига бурчлимиз. Яхши ва элга манзур урф-одатлар доим сақланиб қолаверади. Бу анъанани давом эттириш биз учун ҳам фарз, ҳам қарздир.

Бунёджон НАСИМОВ,
ЎзМУ Журналистика факультети талабаси

Оқибат

Ҳеч бир инсон бегона эмас

Халқимиз қўни-қўшничиликни юксак қадрлайди. Яхши-ёмон кунида бир-бирига елкадошлик қилади. Бирор тансиқроқ овқат қилса қўшнисига илинади. Узоқроқдан меҳмон келса ҳам қўшнисини чақириб чиқади. Ана шу аҳил-иноқ қўшнилар, оилаларнинг бошини қовуштирадиган маҳалла бежиз табаррук гўшага қиёсланмайди. Бунда ҳикмат кўп. Отаонадек меҳрибон бўлиб, ўрни келганда бир-бирига ёрдам қўлини узатиб, тартибга чақириб турадиган, ободончилигу саранжом-саришталикни назорат қиладиган маҳалла барчамизнинг ҳаётимизда муҳим аҳамият касб этади.

Пойтахтимиздаги Ҳусайн Бойқаро номли маҳаллада ҳам турли миллат вакиллари аҳиллиқда истиқомат қилишади. Ҳеч бир хонадондаги ташвиш, муаммолар маҳалла оқсоқоли Азиз Эгамовнинг эътиборидан четда қолмайди. Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ тумани билан чегарадош ана шу маҳаллада ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ҳам уюшқоқлик билан ўтказилади. Маҳалладошлар оқсоқолнинг ташаббуси билан "Энг маданий, энг намунали маҳалла" номини олиш учун бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишмоқда.

Яқинда рўй берган бир воқеа маҳалланинг инсон ҳаётидаги ўрни нечоғли юқори эканини яна бир марта исботлади. Гап шундаки, бу ерда умрининг охиригача истиқомат қилган Муҳаммаджон Саидназаров қўшни республикалардан бирида туғилган. Фалакнинг гардиши билан фарзандлари отаси туғилган юртни макон тутишди. Аммо Муҳаммаджон ака ўзига қадрдон бўлиб қолган биродарлари, қўни-қўшниларини кўзи қиймай шу ерда яшаб қолди. Иссиқ жонда, тоби қочиб шифохонага тушганда ҳам унинг ҳолидан маҳалладошлари хабар олиб туришди.

Бир куни ярим тунда телефон қўнғироғидан уйғониб кетдим. Олсам оқсоқол Азиз ака экан.

— Маъруфжон, Муҳаммаджон оламдан ўтди. Уйи сизга яқинроқ. Чиқиб у ер-бу ерларни тартибга келтириб туринг, — деди.

"Маҳалланг — отанг-онанг", деганлари рост экан. Қўни-қўшнилар аҳиллик билан барча ташкилий ишларни жойжойида адо этишди.

Мамлакатимизда одамлар бир-бирига бегона эмас. Ўзбекона меҳр-оқибат ҳамиша устуворлик қилган. Марҳумнинг ўғлини топишнинг имкони бўлмади. Аксига олиб у фарзандларининг кўчиб борган жойларини ҳам ҳеч кимга айтмаган экан.

Шу ва шу каби бошқа ибратли воқеаларни кўриб халқимизнинг бағри-кенглиги, ҳаётимизнинг фаровонлиги, давлатимиз сиёсатининг халқпарварлигидан тўлқинланиб кетаман. Инсон шаъни улуғ бўлган, миллатидан қатъи назар, бирдек эъзоз ва эҳтиром кўрсатиладиган ана шундай табаррук заминда, муқаддас юртда яшаш насиб этганидан дилимда шукроналик жўш уради.

Маъруф ОТАХОНЗОДА

ALOQABANK

Молия муассасаларида

БУНЁДКОРЛИК ВА ФАРОВОНЛИК ЙЎЛИДА

Мамлакатимизда олиб борилаётган туб ислоҳотлар натижасида иқтисодий барқарорлик ва ўсишга эришилмоқда. Бу ютуқларда банк-молия муассасаларининг алоҳида ҳиссаси бор, албатта. Хусусан, очиқ акциядорлик-тижорат "Алоқабанк"нинг бу ўзгаришларга салоҳиятли корхоналарни моддий қўллаб-қувватлаш имкониятларини кенгайтириш билан кўмаклашаётгани эътиборга сазовордир.

Бугун бутун жаҳондаги тараққиёт жараёни, биринчи навбатда, ахборот алмашинувига таянмоқда. Иқтисодиётдаги, айниқса, ишлаб чиқариш ва моддий фаровонлик яратиш борасидаги энг қимматли янгиликлар, инновациялар ва ихтиролар ахборот тизими орқали ер юзининг барча бурчакларига етиб боради. Шу нуқтаи назардан қараганда, "Алоқабанк" мамлакатимиз тараққиётини таъминлашда катта роль ўйнайдиган муҳим соҳа равнақи учун хизмат қилмоқда.

Айни пайтда банк ўзининг мустаҳкам инфратузилмасини яратиб, хизматлари билан республикамизнинг деярли барча ҳудудларини қамраб олди, соҳага хизмат кўрсатадиган универсал банкка айланди. Бугунги кунда унинг Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида 12 та филиали, 25 та мини банки, 129 та операцион кассаси аҳолига замонавий хизматлар кўрсатиб келмоқда.

МИЖОЗЛАР ХИЗМАТИДА

Мустақиллик йилларида банклар тизимида катта сифат ўзгаришлари юз берди. Хизматлар доираси кенгайиши билан молиявий ташкилотларнинг моддий имкониятлари, жумладан, уларнинг активлари кўпайиб бормоқда. "Алоқабанк" активлари 2011 йил 1 апрель ҳолатига келиб 381,4 миллиард сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 123,8 миллиард сўмга ёки 148,1 фоизга ўсди. Бу кўрсаткич банк мутахассисларининг "Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун" тамойилига асосланган ҳолда фаолият кўрсатиб, аҳолига малакали хизмат кўрсата олаётганидан далолат беради. Шу сабабли банк мижозлари йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Ҳозир барча мулкчилик шаклидаги 9763 та юридик субъект, 130 мингдан ортиқ жисмоний шахслар банкнинг мижозлари ҳисобланади.

Банкнинг асосий йирик мижозлари ахборот тизимлари ва телекоммуникация соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналардир. Бундан ташқари, банк қишлоқ хўжалиги, қурилиш, тўқимачилик, транспорт, савдо компаниялари, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарга ҳам кенг кўламда хизмат кўрсатмоқда.

РЕЙТИНГ БАҲОСИ ТАСДИҚЛАНДИ

Жорий йилнинг апрель ойида Moody's халқаро рейтинг агентлиги очиқ акциядорлик тижорат «Алоқабанк»нинг рейтинг баҳосини B1/NP/E+; «барқарор» даражасида яна бир бор тасдиқлади. Шунингдек, банкнинг миллий ва халқаро валютадаги узоқ муддатли депозитлар рейтингини B1 ва B2 ҳамда миллий ва халқаро валютадаги қисқа муддатли депозитлар рейтингини Not Prime даражасида тасдиқланди. Банкнинг барча рейтинги барқарор деб топилди.

"Алоқабанк" рейтинги 2010 йил якунига кўра муддати ўтган ёки шартлари қайта кўрилган кредитларнинг йўқлиги кредит портфели сифати ишончли ва барқарорлигини таъминлаб турибди.

Moody's экспертлари банк акциядорлари томонидан банк капиталининг доимий қўллаб-қувватланишини ижобий деб ҳисоблайди.

ҚАЙТА ТИКЛАНАЁТГАН КОРХОНАЛАРГА САРМОЯЛАР

ОАТ "Алоқабанк" инвестицион дастурларнинг фаол иштирокчисига айланди ва республикага илғор технологияларни жалб этишга йўналтирилган йирик инвестицион лойиҳалар ва дастурларни молиялаштиришни, корхоналарни модернизациялаш, замонавий ускуналар билан техник-технологик қайта жиҳозлаш, халқ хўжалиги молларини ишлаб чиқариш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини кенгайтиришга хизмат кўрсатишни давом эттирмоқда.

"Алоқабанк" томонидан йирик корхоналарни молиялаштиришга йўналтирилган инвестицияларнинг умумий суммаси 144,2 миллиард сўмдан ошиб кетди. Бу кредит портфелининг 89,0 фоизини ташкил этади. Шунингдек, банк 30,3 миллиард сўм миқдорида тўғридан-тўғри инвестициялар ажратди. Масалан, "Фарғона сунъий чарм заводи" ОАЖ негизида маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятини сақлаб қолиш мақсадида замонавий ва сифатли пойабзал тайёрлайдиган "САБО пойабзал" МЧЖ ташкил этилди. Аввало, корхона энг илғор технологик ускуналар билан жиҳозланди. 100 та янги иш ўрни яратилди. Ҳозир бу ерда 40 дан ортиқ турда эркаклар ва болаларнинг сифатли пойабзалини ишлаб чиқармоқдалар. Корхона тайёрлаётган маҳсулотларга республикамизнинг барча вилоятларида талаб катта. Жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра корхонада 220,3 миллион сўмлик товар ишлаб чиқарилди. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун банк 1,5 миллиард сўмлик инвестиция ажратди.

Самарқанд вилоятидаги "Нафис" ОАЖ негизида чинни буюмлар ишлаб чиқарадиган "Asl-nafis" МЧЖ ташкил этилди. "Алоқабанк" билан Франциянинг "Societe CERINNOV Ceramik Innovation" компанияси ўртасида корхонани замонавий ускуналар билан жиҳозлаш учун келишув имзоланди. Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун банк 8,5 миллиард сўм миқдорида инвестиция киритди. Ҳозирги кунда корхона йилига 12 миллион дона сифатли чинни буюм ишлаб чиқариш имкониятига эга. Корхона тўлиқ қувват билан ишга тушганидан сўнг бу ерда 300 га яқин янги иш ўринлари яратилади.

Яқин кунларда пойтахтимизнинг Сирғали туманида мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш учун мўлжалланган замонавий омборхона фойдаланишга топширилади. Ушбу объектни сўнгги хорижий техника ва технологиялар билан жиҳозлаш мақсадида "Алоқабанк" иштирокида "Тошагроинвест" МЧЖ ташкил этилиб, лойиҳага 12,7 миллиард сўмлик инвестиция киритилди. Муҳими шундаки, омборхонада бир вақтнинг ўзида 12 минг тоннагача маҳсулотлар сақлаш мумкин.

Банкнинг бундай саъй-ҳаракатлари эътибордан четда қолган ва фаолияти тўхтаган корхоналарга қисқа вақт давомида яна қайта ҳаёт бағишлашга, ички бозоримизни маҳсулот ва товарлар билан тўлдиришга амалий ёрдам бермоқда.

"Алоқабанк"нинг бунёдкорлик соҳасидаги ишлари ҳам эътирофга сазовор. Жумладан, Фарғона вилоятида аҳолига қулайлик яратиш мақсадида "Қўқон деҳқон бозори" қурилишига маблағ ажратилди. Ушбу объект қисқа вақт ичида қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шу кунларда яна бир қувонарли воқеа содир бўлди: банкнинг Наманган филиали янги биноси ишга тушди. Шаҳарнинг марказий қисмида қад ростлаган бино ўзининг нафис меъморий кўринишидаги билан шаҳар кўркига кўрк қўшди.

ИННОВАЦИЯЛАР — ЯРАТУВЧИЛИК ОМИЛИ

Президентимизнинг 2008 йил 15 июлдаги «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида анъанавий тарзда ташкил этиб келинаётган Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар Республика ярмаркаси ишлаб чиқаришга янги техника ва технологияларни янада кенг қўллаш, рақобатбардош ва сифатли инновация маҳсулотларининг ички ҳамда ташқи бозорга чиқишини таъминлаш борасидаги имкониятларни кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Шу йилнинг 13-15 апрель кунларида пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуида навбатдаги ярмарка бўлиб ўтди. Унинг якунларига кўра, "Алоқабанк" Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси томонидан ярмарканинг энг фаол иштирокчиси сифатида тақдирланди.

Мамлакатимизда илм-фан ютуқлари, жумладан, инновациялардан фойдаланиш ҳамда инновацион лойиҳаларни молиялаш, уларни доимий қўллаб-қувватлашга "Алоқабанк" катта эътибор қаратмоқда. Эътиборлиси, банк Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан иккита танлов эълон қилди. Булар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар ўртасида «Энг яхши инновацион лойиҳа», олий ўқув юртлари талабалари ва коллеж ўқувчилари ўртасида "Талабаларнинг энг яхши инновацион лойиҳаси" танловларидир. Ушбу ярмаркага ташриф буюрган мингдан ортиқ талаба ва тадбиркорлар банкнинг стендига қўйилган буклетлар ва бошқа керакли маълумотларни олишди. Шунингдек, ўндан ортиқ талабалар шу ернинг ўзида қизиқарли лойиҳаларини тақдим этишди.

Маълумки, жорий йил 27-28 апрель кунлари Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида «БанкEXPO-2011» банк технологиялари, ускуналари ва хизматлари миллий кўргазмаси бўлиб ўтди. Унинг якунларига кўра, "Алоқабанк" "Энг яхши стенд дизайни" номинацияси ғолиби деб топилди. Ушбу кўргазма мобайнида мижозлар учун "20 ёшим" ва "Имконият" деб номланган янги омонатлар, эълон қилинган танловлар ҳақида маълумотлар берилди.

ОМОНАТ ТУРЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

Аҳолининг банкка ишончи ортиши натижасида фуқароларнинг бўш пул маблағлари банк айланмасига яна ҳам кўпроқ жалб этилмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, аҳолининг банк омонатларига қизиқишини ошириш, омонатларни мижозлар учун қулай ва мақбул шартларда таклиф этишда мамлакатимиз Президентининг 2009 йил 6 апрелдаги «Аҳоли ва хўжалик субъектларининг бўш пул маблағларини тижорат банкларининг депозитларига жалб қилишни янада рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори муҳим омил бўлмоқда. Шунингдек, банк омонатларига қўйилган маблағлар фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан тўлиқ ҳимояга олингани ҳам аҳоли ишончини янада оширишда катта аҳамият касб этмоқда.

Ҳозирги кунда банк тизимида турли қулайлик ва имтиёзларга эга бўлган 27 турдаги жозибадор омонатлар мавжуд. Уларнинг 25 тури муддатли ва жамғарма омонатлар ҳисобланади.

Банк томонидан аҳолининг бўш маблағларини кенг жалб қилиш мақсадида янги омонат турлари жорий этилмоқда. Жумладан, шу йил апрель ойидан бошлаб бирйўла тўртта янги омонат тури ташкил этилди. Уларнинг бири — «20 ёшим» деб номланган. Мазкур омонат учун маблағлар 20 ҳафтага қабул қилинади. Эътиборлиси, банк ушбу омонатга пул қўйган ҳар йигирманчи омонатчини махсус совға билан ҳам тақдирлайди.

Банкнинг яна бир янги омонати — «Имконият»га эса маблағлар 12 ойга қўйилиши мумкин. Бу омонат бўйича устама фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади. «Ҳамён» номли омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, юқоридаги омонатлардан фарқли равишда унга қўйиладиган энг кам маблағ миқдори чекланмаган. Шунингдек, унда кейинчалик бадалларни кўпайтириб бориш имконияти мавжуд.

Банкнинг навбатдаги янги омонати — «Мовий квадрат»да ҳам «Ҳамён» каби энг кам бадал миқдори белгиланмаган ва унга маблағлар 6 ой муддатга қабул қилинади. Ҳисобланган устама фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.

Умуман, бугунги кунда банк томонидан аҳоли эътиборига мазкур омонатлардан ташқари, миллий валютада турли шартларга эга 15 та омонат ҳамда хорижий валютада 2 та омонат таклиф этилмоқда. Улар орасида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилига ҳамоҳанг тарзда ишлаб чиқилган «Тадбиркор» ва «Бизнес» номли омонатлар ҳам бор.

Жорий йилда банк капиталлашув даражасини ошириш, банк активлари, айниқса, унинг даромад келтирувчи қисмининг барқарор ўсишини таъминлаш, ахборот технологиялари доирасида замонавий хизмат турларини йўлга қўйиш, мамлакатимизда амалга оширилаётган "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастуридаги вазифаларни ижро этиш каби масалаларга «Алоқабанк» жамоаси барча имкониятини сафарбар этмоқда.

Жамшид РАУПОВ ®

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА ОБУНА БЎЛИНГ!
Телефон: (8 371) 233-08-34 ,
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотига номзодлар

Бадиий тафаккурдаги бурилиш

Адабиётшунос олим профессор Абдуғафур Расуловнинг аксарият тадқиқотлари, мақолалари ўзбек адабиётшунослигида кам ўрганилган соҳа — танқид назариясига бағишланган. Сирасини айтганда, унинг бу йўлдаги изланишлари "Танқидчилик уфқлари" деган адабий-танқидий мақолалар тўпламидан бошланган эди. Унда адабий танқид адабиётшунослик, бадиий ижод, фалсафа, эстетика билан жон томирлар каби ўзаро боғлиқлигини, аммо у моҳияти ва тафаккур йўсинига кўра мустақил соҳа экани хусусида назарий фикрлар билдирган. Олим танқидчи масъулияти масаласи устида баҳс юритар экан, ҳар бир мунаққид ўз концепциясига, ўз мустақил қарашларига, ўз сўзига ва изчил илмий йўналишига эга бўлиши керак, деган талабни қўяди.

Айниқса, кейинги йилларда у адабий танқиднинг эстетик моҳиятига теранроқ назар солиб, ўзбек адабий танқидчилигида кечаётган жараёнларни жиддий таҳлил қилиб, бирин-кетин уч монография эълон қилди. Улардан бири 2007 йилда нашр этилган "Танқид, таҳлил, баҳолаш" асари бўлиб, унда ўзбек танқидчилиги босиб ўтган йўл таҳлил қилинган. Танқидда талқин ва таҳлил муаммоларини жаҳон танқидшунослигининг бугунги даражасидан келиб чиқиб ёритишга муяссар бўлади. Аксиология, семиотика, интерпретация, структурализм, баҳолаш, модерн адабиёти тўғрисида ўз кузатишларини баён қилган олим адабий танқид ҳам энди ўз эътиқоди, тушунчаларию қарашларини ўзгартириши, янгилаши, дунёда кезаётган ғоялар билан ҳамоҳанг бўлиши зарур, деган фикрга келади. Шу боис у бадиий асарнинг мангулиги сирларини ўрганишга асосланган онтологик, муаллиф ва бадиий асарни таржимаи ҳоли билан биргаликда тадқиқ этадиган тарихий-биографик ёндашув ҳодисаларини ўзбек танқидчилигига биринчилардан бўлиб олиб кирди.

А.Расулов адабий-бадиий танқиднинг баҳоловчилик табиатини унинг бош вазифаси сифатида тушунади, лекин баҳолашни мадҳиябозликка айлантирмаслик лозимлигини таъкидлайди. Танқидчининг юксак бадиий асарлар яратишда санъаткорнинг истеъдоди, дунёқараши, зеҳни, жасорати, хуллас, барча хислатлари ҳисобга олиниши, шу билан бирга, талқин ва таҳлиллар холис баҳонинг асоси бўлиши лозимлиги тўғрисидаги мулоҳазалари ҳам эътиборга лойиқ. Шу жиҳатдан қараганда, мазкур тадқиқот ўзбек адабий танқидчилигининг янги ютуқларидан биридир.

"Бадиийлик — безавол янгилик" китоби (2007) илмий-адабий мақолалардан ташкил топган бўлиб, танқид назариясига оид янгича тадқиқотлар сирасига киради. Уч қисмдан иборат тадқиқотнинг биринчи қисми танқидчилик назариясига оид илмий-адабий мақолалар, иккинчи қисми тақдирлар ва роман поэтикаси талқинига бағишланган. Учинчи қисм эса этюдлардан иборат.

Бадиий асарга бетакрор структура, тизим сифатида қараган А.Расулов шундай ёзади: "Структурализм мақсади, адабий матннинг семиологияси — маънолар йўналиши, кўпқатлигини англашдир. Структурализм мақсад-моҳиятини юзага чиқаришда асардаги муҳим маъно нуқталарини белгилаб олиш жиддий аҳамият касб этади". Бу мулоҳазалар ўзбек танқидчилигига бадиий асарга ёндашувнинг янги шакллари кириб келаётганидан дарак беради. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, олим Ғарб, англо-америка адабиётшунослиги хусусида гапиришдан олдин структурализм, герменевтика, аксология каби йўналишлар мумтоз адабиётимизда қадимдан мавжудлигини исботлаб беради. Бу жиҳатдан "Илми ғарибани кўмсаб..." номли мўъжазгина рисола А.Расулов ижодида ўзига хос ўринни эгаллайди. Илми ғариба китобхонни ҳайратга солиш даражасида тасвирлаш санъатини тушуниш, ҳис қилиш илмидир. Шарқ мутафаккирлари сўз санъатида ифодаланган ички маънолар тизимига алоҳида эътибор бериб, бир байт қатларига бир қанча маъно ва лафзий санъатларни сингдириб юборганлар. Бундай гўзал ифодаларни тушуниш учун ўзбек мумтоз адабиётшунослигидаги илми қофия, илми бадеъ, илми шарҳ каби илми ғариба мадрасаларда махсус илм сифатида ўргатилган. Афсуски, шўролар даврида "санъат — санъат учун" эмас деб, бундай гўзал санъатлар унутилаёзди, ноёб бадиий сўз жўнлаштирилди, сийқалаштирилди. Олим ҳозирги замон адабий танқидчилигини "илми ғариба", "илми дарк" билан боғлайди.

Адабий танқид табиати, назарияси ҳақидаги қарашлар китобхонга адабий танқид моҳиятини, назарий ва амалий жиҳатдан чуқур англашда илмий-ижодий тажриба сифатида қўл келади.

Мустақиллик йилларига келиб, адабий портрет жанри ривож топа бошлади. Жанрнинг кейинги тараққиёти унинг ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатидан мукаммаллик сари интилаётгани танқидчи А.Расуловнинг тадқиқотларида яққол кўринади. Уларда жонли хотиралардан унумли фойдаланиш, адиб ёки танқидчининг иқрорлари жамланиб, тирик инсоннинг яхлит образи яратилади. Бу образ индивидуаллиги, бой маънавий қиёфаси билан ўқувчи қалбида маҳкам ўрнаша олади.

Устоз ҳақида тўлиб-тошиб ёзиш, унинг ижодини барчага намуна қилиб кўрсатиш ҳамма шогирдларга ҳам насиб этавермайди. Шундай шогирдлар борки, бир умр устози қиёфасини ҳам тилида, ҳам дилида эъзозлаб келади. А.Расулов ана шундай устозлардан олган маърифат нури билан ҳаётини безаб келаётган асл шогирдлардандир. Озод Шарафиддинов фаолиятига бағишланган "Истеъдод ва эътиқод" асарида олимнинг яхлит портретини яратиш асосий мақсад қилиб олинган.

А.Расулов — серқирра ижодкор. Олим услубига хос жиҳат шуки, олдинги мақолаларидаги адабий муаммони кейинги ишларида илмий-назарий жиҳатдан тўлдириб, ёритиб боради. Масалан, "Бадиийлик — безавол янгилик" китобига киритилган мақоласида "Гарри Потер ва унинг дўстлари" асари ҳақида гапира туриб, болалик салтанати муаммоларига тўхталади. У Худойберди Тўхтабоевни "болалар адабиётининг жасур реформаторларидан" бири, деб ҳисобласа, Анвар Обиджонни "борлиққа — мавжудоту махлуқотга; ой, қуёш, юлдузларга; узлуксиз ғимирғимир ҳаракатга боланинг маъсум кўзи билан боқади" деб эътироф этади.

"Бетакрор ўзлик" китобининг бир муҳим хусусияти бор: унда олимнинг илмий-назарий қарашлари, адиблар ва асарлар хусусидаги мулоҳазалари умумлаштирувчи, ўқувчида яхлит тасаввур уйғотувчи характерга эгалиги билан кўзга ташланади." А.Расулов ижодида туркум мақолалар яратиш анъанаси истиқлол йилларида кучайди. "Бадиийлик — безавол янгилик"да "Абдулла Қаҳҳор ва ёшлар" деб номланган икки қисмдан иборат тадқиқот ўрин олган бўлиб, унда ёзувчи асарларида ёшлар образи ҳамда устоз ва шогирдлар ҳақида сўз юритилган эди. Бундай хусусият олимнинг П.Қодиров ижодига бағишлаб ёзган мақолаларида ҳам учрайди. "Бадиийлик — безавол янгилик"да адибнинг "Тил ва эл" рисоласига ҳамда "Амир Темур сиймоси" илмий бадиасига тақризи берилган. "Бетакрор ўзлик"да эса "Замон санъаткор талқинида" деб номланган умумлаштирувчи характерга эга портрет-мақола яратилган. Унда адибнинг романлари, қиссалари бугунги кун нуқтаи назаридан баҳоланиб, асарларидаги уч теран илдиз: юксак бадиийлик, фалсафийлик, ўсиб-ўзгариб бораётган замон билан узвий боғлиқликка ўқувчи диққатини тортганлиги билан аҳамиятлидир.

Китобдан портретга чизгилар ҳам ўрин олган. Асқад Мухтор ("Интеллектуал сиймо"), Раҳмат Файзий ("Ҳазрати инсон ёди"), Рамз Бобожон ("Ёзувчи тақдири — адабий авлод тарихи"), Ўлмас Умарбеков ("Асарлари яшаяптики...) каби адиблар ҳақидаги илмий, шу билан бирга, хотирага асосланган мулоҳазалар келажакда адабий портретлар яратишга замин ҳозирлайди.

Кўриб турганингиздек А.Расулов ҳозирги ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигини ривожлантиришга катта ҳисса қўшиб келмоқда. Бу унинг адабиётга садоқат билан қарашидан шаҳодат беради. Олимнинг "Таҳлил, талқин, баҳолаш", "Бадиийлик — безавол янгилик", "Бетакрор ўзлик" сингари тадқиқотлари ўзбек адабиётшунослигида ўзгача бир йўналишни бошлаб берди.

Охунжон САФАРОВ,
филология фанлари доктори, профессор,
Шоира АҲМЕДОВА,
филология фанлари доктори

Тақдимот

Экранда ҳаёт талқини



Кино санъатининг вазифаси фақат томошабинни кулдириш ёки йиғлатишдангина иборат эмас. Унинг замирига, биринчи галда, инсон камолотига хизмат қилувчи маънавий қадриятлар сингдирилмоғи лозим.

Сўнгги йилларда ўзбек киноси ҳам бошқа соҳалар каби шиддат билан янги даврни бошлади. Катта экранларимизда намойиш этилаётган картиналар орасидан кишида унутилмас таассурот уйғотаётганлари ҳам бор. Шу билан бирга, бугун кино санъатининг саноатга айланиб кетиши натижасида ёмғирдан кейинги қўзиқориндек мавсумий асарлар кўпайиб кетаётгани ҳам сир эмас. Тўғри, жаҳон кино майдонида «кино саноати» деган тушунча инкор қилинмайдиган ҳодиса деб тан олинган. Бироқ бу ҳол бадиий саёзлик учун ёпинчиқ вазифасини ўтамайди-да. Мен бу мулоҳазалар кўламида бугунги кино санъатини таҳлил қилиш даъвосидан узоқман. Фақат анчадан буён кутилаётган фильмнинг катта экранларга чиққанини таъкидламоқчиман, холос.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходимлари — Аюб Шаҳобиддинов ва Ёлқин Тўйчиев ҳамкорлигида суратга олинган фильмлар ўз томошабинларини топиб келмоқда. "Қор қўйнида лола" бадиий фильми билан профессионал кинога қадам қўйган бу ижодкорлар анъаналарни замонавий кинога кўчираётган санъаткорлар сифатида тилга олиняпти. Айнан мана шу тандемнинг яна бир янги фильми "Кечиккан ҳаёт" деб номланди (режиссёр А.Шаҳобиддинов, сценарий муаллифи Ё.Тўйчиев, оператор А.Арзиқулов).

Фильм муаллифлари ҳар бир тасвир ва ундаги рамзлар орқали ижодий мақсадни ўз ўрнида адо этишга интилишган. Шунингдек, актёрлар ижросида ҳам янги бир жиҳатларга гувоҳ бўлиш мумкин. Истеъдодли актёрлар — Бобур Йўлдошев ва Дилноза Кубаева жуфтлигида ўйинқароқлик, севгининг дастлабки енгил ҳулосаларини эмас, балки ҳаётнинг "ЭРТАГА НИМА БЎЛАДИ?" деган энг муҳим саволига дуч келамиз. Бир қарашда иккиси ҳам яшаяпти. Атрофдаги одамлар орасида уларни илғаб олиш ҳам қийиндир, эҳтимол. Чунки улардан-да мушкул тақдирлар кўп... Д.Кубаева — Шаҳодат ҳам, Б.Йўлдошев — Ҳамлет ҳам анчадан буён ўз оламидан ташқарига қарамаган. Ҳамма қатори рисоладагидек ҳаёт кечирмаётган бу қаҳрамонлар ўзгачалиги, ҳазин нигоҳлари билан сизга яқинлашади. Атроф тўла одаму, кўнгил ёлғиз. Юзлардаги табассумни кўзлар инкор этади. Ўз-ўзича ҳоким гўё, аслида ҳаётнинг тутумларига асир... Икки ўжар кўнгилни ҳаёт учраштиради. Ҳар бири ҳаётий тажрибага, ҳулосаларга ва ўзининг МЕНИга эга. Бу вазиятда йигит қизга, қиз эса йигитга мослашиши қанчалик мушкуллигини тасаввур қилаверинг.

Гулбаҳор Йўлдошева — хола. Унинг жияни Шаҳодатга айтган танбеҳида ўз тақдирига нисбатан киноя, истеҳзо ва дард бор. Сиртдан қараганда, бу башанг хоним бахтиёр, аслида эса унинг юраги фақат армон ҳисобига яшаяпти... У кўнглига ҳеч кимни йўлатмайди. Кимдир яқинлашиб, унинг бахтсизлигини билиб қолишидан чўчийди... Обрў-эътибор, нуфуз ва яна қандайдир машмашалар ширингина оиланинг олдида ниҳоятда арзимас "буюм" эканини анча йиллар аввал англаган. Шу билан бирга тақдирига ҳам тан берган. Начора? Лекин у бошқаларнинг хато қилишини истамайди. Жумладан, жиянининг ҳам...

Ўқимишли замонанинг ўша олд қизининг жайдари қишлоқ йигити ("пўрим йигит" Бобур Йўлдошевда томошабин учун шу кунгача номаълум бўлган тамомила янги қиёфа кашф этилади)га турмушга чиқиши кўнгилнинг эмас, балки ТАВАККАЛнинг тавсияси. Йигит биринчи куннинг ўзидаёқ қизга ортга қайтиб кетишини айтади. Бу ўринда қиз ўзини хўрланган ҳис қилсада, энди афсус-надоматга ўрин йўқлигини англайди. Режиссёр шу ўринда инсоннинг иродасини ва энг муҳим бир жиҳат, қонга сингиб, қадриятга айланиб кетган тушунчалар ҳар қандай қайсар руҳ устидан ҳукмронлик қила олишини нозиклик билан кўрсатади.

Фильмнинг яна бир қаҳрамони Дониёр Ҳафизов — "Отелло" — Эркиннинг қисмати ҳам томошабинни ўйлатади. Қамоқдаги ўғилнинг шаънини сақлаган ота фильмнинг кўринмас қаҳрамонига айлана олган. У умрининг сўнгги лаҳзаларида ҳам жигарбандининг орини ҳимоя қилади. Шу кадрларда ота — фарзанд ришталарининг муқаддас эканлиги айтилади.

Саҳналаштирувчи оператор Азиз Арзиқуловнинг кадрларида чексизлик бор. Тўғриси, унинг ишларида ранглар ўйнамайди, ёрқинлиги билан кўзингизни қамаштирмайди. У табиатни, одамларни борича, ортиқча бўёқларсиз томошабинга тақдим этади. Операторнинг маҳорати оддий чизгилардаги ҳаёт ҳақиқатида ниҳоятда ёрқин кўринади.

Бироқ фильмга танланган номда ғализлик бордек туюлади. "Кечиккан ҳаёт" (?)... Ҳаёт ҳамиша ўз йўлида кетаверади. У кечикмайди. Аксинча, одамлар кечикади, бизга аталган бахту қувонч, омад кечикиши мумкин... Агар ҳаёт кеч қолганида, у биз билан ҳисоблашишга мажбур бўлардик. Аммо у ҳисоблашмайди, биз унинг измидамиз...

Тўғриси, мен ушбу фильмни такрор кўришдан эринмаган бўлардим. Балки, ўсмирлар томоша жараёнида бироз зерикиши, ўзлари излаган енгил бир кулгини топа олмаслиги мумкиндир. Аммо КИНОнинг мақсадини ҳис қиладиган томошабин, ушбу фильмни кўзларини юммасдан кўришига ишонаман.

Аюб Шаҳобиддиновнинг фильмлари ўзига ўхшайди. Оддий, самимий ва жуда сокин. Унинг фильмларидаги қаҳрамонларни, тақдирларни фақат кино экранларидан эмас, балки атрофингиздаги воқеаларга теранроқ назар ташласангиз ҳам учратасиз. Шунинг учун ҳам унинг айтмоқчи бўлганлари бизга бегона эмас...

Севдо НИЁЗОВА

Ҳунармандчилик

Меҳнатдан келса бойлик...

Харид учун "Чорсу" бозорига боргандим. Қўлда ясаладиган турли-туман буюмлар растаси томонга ўтиб қолибман.

"Обқолинг, кеб қолинг, чойнак, пиёла-ю, лаганлар бизда бор", дея харидор чорлайди сотувчи.

Ногоҳ қандайдир ички истак ўша томонга етаклади. Буюмларни томоша қила бошладим. Гултуваклар, бежиримгина ишлов берилган кўзалар, хумлар. Тошкент пиёласи-ю чойнаклари, коса, лаганларини кўриб кўзингиз қувнайди. Бундай чиройли, бежирим ишлов берилган буюмларнинг ясалиши билан қизиқдим.

— Биз Фарғонанинг Риштон туманиданмиз, — дея ўзини таништирди Маҳбубахон Мансурова. — Буюмларни ясаш учун қуруқ жойдан олинган сариқ тупроқ асқотади. Тупроқни туманимиздан олиб келамиз. Тайёрланган лой дастгоҳда ўтириб ясалади, ишлов берилади. Маълум бир шаклга киргандан сўнг, у хумдонга солинади. Хумдон ҳам тандирдек катта бўлиб, ичига 3-4 одам бемалол жойлашади. Буюмлар бир кеча-кундуз хумдонда қизитилади. 24 соатдан сўнг уларга ранг танлаб, бўялади. Кейинги босқичда эса иккинчи марта бўёқ қуриши учун 7-8 соат оловда туради. Юқорида келтирилганларнинг барчасига қолиплар ёрдамида ишлов берилади. Фақат чойнак ва пиёла қўлда ясалади. Лаган, чойнак-пиёла қизиганидан сўнг олиниб, оқ рангли бўёқ қуйилади. Кўп йиллардан буён кулолчиликнинг сир-асрорларидан воқифмиз, оилавий ҳунаримизга айланиб қолган. Идишларни ясашда, бўяшда иложи борича бир нарсани такрорламасдан, янгилик қилишга интиламиз. Маҳаллада қўни-қўшниларимиз, бозорда харидорлар буюртма бериб кетишади. Буюмни уларнинг дидига мослаб ясаймиз.

Дарҳақиқат, бундай маҳсулотларга бўлган эҳтиёж ўсиб боряпти. Уларни сифатли ва харидоргир қилиб яратиш эса ҳунарманд ва кулолларнинг машаққатли меҳнати эвазига дунёга келади.

Гулрўҳ ЖЎРАЕВА,
ЎзМУ талабаси

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ БАРЧА ТУРДАГИ КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ ПОЧТА АЛОҚАСИ хизматларидан фойдаланинг!
Телефон: (8 371) 233-57-47,
Сайт: www.pochta.uz, E.mail: oao@post.uz

МАДАНИЯТ

Машҳурлар кутубхонасида

Гулчеҳра САЪДУЛЛАЕВА:

«Ожизлигимни китоб фош этади...»

Аслида, китобхоннинг даражаси унинг юзида, кийинишида, атрофдагиларга бўлган муносабатида кўринади. Бундай одамлар билан ҳар қандай мавзуда суҳбатлашиш мароқли. Ҳанузгача дубляжда, телевидение ва кино соҳасида тинимсиз меҳнат қилиб келаётган таниқли актриса Гулчеҳра Саъдуллаева ҳам ана шундай инсонлардан бири десак, муболаға бўлмас.

— Болалигимда бувижонимнинг эртакларини эшитиб, ўзимни маликалардай ҳис қилардим. Айнан у инсон менга китобга меҳр уйғотган ва айни пайтда кўп ўқишни чеклаган ҳам. Мактабнинг еттинчи синфида ўқиган кезларимда, Стендалнинг "Қизил ва қора" асарини эрта тонггача ой нурида ўқиб тугатганим ёдимда. Ўн олти ёшимда эса китобга шунчалик муккамдан кетдимки, ҳатто уй юмушларини бажараётган вақтимда бир қўлимда супурги бўлса, иккинчисида, албатта, китоб бўларди. Бу ҳолни кўрган бувим: "Қизим бу кетишда кўз нурингдан айриласан, ҳар нарсанинг ҳам меъёри бўлади", деб жаҳл устида китобимни йиртиб ташлаганлари қалбимни яралаган. Парча-парча бўлган китобларимни бағримга босиб роса йиғлагандим.

Мана, орадан қанча йиллар ўтди. Болаликдаги қадрдон китобларим ҳанузгача мени тарк этгани йўқ. Улардан нажот излайман. Асосан ўзбек мумтоз асарлари ва Дейл Карнегининг инсон руҳияти билан боғлиқ тадқиқотларини севиб мутолаа қиламан. Ҳадисларни ўқиш эса менга янада куч, ғайрат бағишлайди. Ҳаттоки, китобдаги ўзимга ёққан жумлаларни қалам билан чизиб қўйишни одат қилганман.

— Қайси адабий қаҳрамонга ўхшашни орзу қилгансиз?

— Тўққизинчи синфда ўқиб юрган кезларимда Виктор Гюгонинг "Париж ибодатхонаси" романини ўқиб, унинг қаҳрамони Квазимодага чин дилдан ошиқ бўлиб қолганман. Тушларимда ҳам уни кўрардим, суҳбатлашардим. Буюк романнавис Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар" романини эса, қанча ўқисам ҳам тўймасдим. Қайта-қайта ўқишдан сира чарчамасдим. Асар мени ўзининг дунёсига шунчалик боғлаб қўйгандики, ундан ажралолмасдим. Кумушбиби менинг энг севимли қаҳрамоним бўлиб, бир умр унга ўхшашни орзу қилдим. Унинг тимсолида ўзбек қизларининг ҳаёси, ибоси, ширинсўзлиги мужассамлашган.

— 17 ёшингизда кино мухлисларнинг кўнглидан жой олган "Ўткан кунлар" фильмида Зайнаб қиёфасини жонлантиргансиз. Кейинчалик ушбу асарга иккинчи марта кўл урилди. Лекин негадир кўнглимиз ўша илк фильмни кўмсайверади...

— Назаримда, фильм режиссёри Йўлдош Аъзамов "Ўткан кунлар"ни ўқийвериб вужудига сингдириб юборганди. Ўзбек миллий колоритини мукаммал билган бу инсон фильмга актёрларни ўта синчковлик билан танлаган. Воҳанинг энг гўзал уч юз, тўрт юз нафар қизлари Кумуш ва Зайнаб образларига синовдан ўтказилгани ҳали-ҳамон ёдимда. Мен уларнинг гўзаллигини кўриб жуда ҳайратга тушганман. Мени танлашлари хаёлимга ҳам келмаган эди.

— "Баҳор қайтмайди" видеофильмида ҳам оқила, оиласевар, сабр-тоқатли ўзбек аёли ролини ўйнагансиз. Турмуш ўртоғингиз билан партнёр бўлиш сизга қанчалик кўмак беради?

— Инсоннинг ўзига боғлиқ бўлмаган камчиликлари бўлади. Масалан, касбимга зид бўлса ҳам бироз тортинчоқлигим мени ҳанузгача тарк этгани йўқ. Бошқа партнёрларимга буни сездирмасликка ҳаракат қиламан. Турмуш ўртоғим билан бирга роль ижро этиш ҳар томонлама қулайлик туғдиради. Биз бир қарашдаёқ нима демоқчи эканлигимизни тушунамиз. У киши билан ўзимни эркин ҳис қилиб, ижод уммонида сузаман, очилмаган қирраларим ҳам намоён бўлади.

— Китобга эътибор оилангизда қай даражада?

— Оила аъзоларимнинг ҳаммаси китоб ўқишни яхши кўради. Катта қизим Гулираъно китобсевар. У боғчада тарбиячи бўлиб ишлайди, болаларга уйқудан олдин, албатта, эртаклар айтиб беради, улар уйқуга кетгач эса китоб ўзининг қўлидан тушмайди. Айниқса, Малика исмли набирам менга тортган. Ўқиб бўлган асарларимни дарров олиб мутолаа қилишга тушади. Унинг бу ҳаракатларида ёшлигимни кўргандай бўламан. Энди ўзим ҳам буви бўлдим, уларга турли мавзудаги китобларни ўқиб беришдан чарчамайман.

— Кўпчилик китоб ўқишга эринчоқлик билан қарайди. Сиз-чи, бунга ҳозир вақт топа оляпсизми?

— Мен китоб ўқиш учун доим вақт топаман, кундузи имкон тополмаган тақдиримда, албатта, тунги чироқни ёқиб бўлса ҳам ўқийман. Айни пайтда, Илҳом Зоирнинг "Ажал пирамидаси" ҳамда Обиддин Маҳмуднинг "Уммондан дурлар" деб номланган асарларини мутолаа қиляпман. Қанча кўп ўқисам, шунча ожизлигим аён бўлади.

— Оилада уч нафар ижодкор бўлгач, уй кутубхонангиз ҳам шунга яраша каттагинадир-а?

— Уй кутубхонамиз асосан мумтоз асарлардан иборат. Бир-биридан шўх ўғил бола набираларим бор. Уларнинг кўнглини ҳам китобга шайдо қилишга ҳаракат қиламан. Китоб инсоннинг дунёқарашини кенгайтиради, ҳаётга бошқача кўз билан қарашга ундайди, энг муҳими, ижобий фазилатларни айнан мутолаа шакллантиради.

Суҳбатдош:
Шаҳноза БАҲРОМЖОНОВА

Табиатнинг ноёб ёдгорликлари

Ҳисордаги динозавр излари

Ҳисор тизма тоғлари нафақат ўзига хос ҳайвонот ва наботот дунёси, балки ниҳоятда қадимий ва ноёб табиат ёдгорликлари билан ҳам машҳур. Ана шундай миллион йиллик ёдгорликлардан бири динозавр изларидир. Бу баҳайбат жонзотнинг қояга муҳрланган излари Ҳисор Давлат қўриқхонаси ҳудудида жойлашган.

Тошқўрғон қишлоғидан тахминан 30 чақирим юқорига кўтарилса, «Қалъаи шерон» дараси бошланади. Бу жойлар қўриқхонанинг Қизилсув бўлимига қарашли. Даранинг бошланиш қисмида одам чиқиши қийин бўлган баланд қоя бор. Қоянинг устки қатлами табиий силжиши натижасида пастки қатлам очилиб қолган. Ўтган асрнинг 70-80 йилларида ўша метин юзада қандайдир чуқур излар борлиги кишилар эътиборини тортган. Шундан сўнг ушбу излар илмий жиҳатдан чуқур ўрганиб чиқилган. Натижада улар динозавр излари деган хулосага келинган.

— Аввало, шуни айтиш керакки, қиялик бўлгани учун излар бор жойга чиқиш қийин, — дейди қўриқхона директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари Бахтиёр Омонов. — Мен у ерга юқоридан арқон билан осилиб тушганман. Изларнинг анчаси яхши кўриниб турибди. Бўшаб қолган устки қатламни яна бироз очгандим, янги излар чиқди. Уларнинг шакли товуқ изига ўхшашроқ, қояга уч панжа кўринишида чамаси 15-17 сантиметрча ботиб турибди. Юза ўлчами эса 40х60 сантиметр атрофида. Динозавр изларининг анчагина қисми яхши сақланиб қолган. Ваҳоланки, орадан йиллар, асрлар эмас, эралар ўтган.

Бахтиёр Омоновнинг эътироф этишича, динозаврлар излари сони 31 та, улар юра даврига таалуқли. Маълумки, бу давр бундан 190-195 миллион йил аввал бошланган ва 55-58 миллион йил давом этган. Юра мезозой эрасининг иккинчи даври ҳисобланади. Бу даврда энг улкан умуртқали ҳайвонлар — динозаврлар, ихтиозаврлар яшаган. Динозаврларнинг турлари кўп бўлган, баъзиларининг бўйи 20-25 метрдан, оғирлиги 30-35 тоннадан ошган. Улар кейинчалик иқлим ўзгаришлари, табиат ҳодисалари туфайли қирилиб кетган. Илгари денгиз, дарёлар бўлган жойларда вулқонлар отилган, тоғлар кўтарилган. Излар атрофидаги қумлар эриб совугач, тош бўлиб қотиб қолган. Тоғлар ўсиши жараёнида излар ҳам қоя юзасига кўтарилган. Бу — ҳақиқатга яқин тахмин.

Динозаврларнинг қанақа жонзотлиги тўғрисида бугунги кунда ёш болалар ҳам муайян тасаввурга эга. Аммо бўйни узун, бутун гавдасига нисбатан боши ниҳоятда кичик, узун думига таяниб юрган бу баҳайбат махлуқнинг тошларда қотиб қолган изларини кўриш камдан-кам кишиларга насиб этган.

Мақсуд ҲАМРОЕВ

БИЗНЕСИНГИЗ УЧУН ЯНГИ ТАКЛИФЛАР

«КОРПОРАЦИЯ» ТАРИФ РЕЖАЛАРИ

Тариф режалари	Абонент тўлови (ойига), $	Имтиёзли дақиқалар (ойига)	Ўзбекистон бўйича чиқувчи қўнғироқлар (белгиланган лимитдан ташқари)				Кирувчи қўнғироқлар
			Корп. гуруҳ ичида	МТС тармоғи ичида (1 дақиқа учун)		Бошқа телефонларга (1 дақиқа учун)	
				Ҳар 1-2 дақиқа учун	3-дақиқадан		
«Корпорация Базавий»	1,5	0	0	0,01	0,001	0,02	0
«Корпорация Профи»	8	500					
«Корпорация VIP»	15	0		0			

«Корпорация Базавий», «Корпорация Профи» ва «Корпорация VIP» тариф режаларида:
• тармоқ ичида чиқувчи SMS – $0,01, Ўзбекистон бўйича – $0,015;
• GPRS–MMS+WAP+INTERNET хизмати учун **абонент тўлови йўқ**, хизматнинг 1 Mb – $0,06.

МТС бир қадам олдинда

Истиқлол фарзандлари

Юксак эътибор самараси

Мамлакатимизда ёшларнинг пухта билим олишлари, илм-фан, санъат ва спорт соҳаларида ютуқларга эришишлари учун кенг имкониятлар яратилган. Бунинг самараси ўлароқ, бугун ўғил-қизларимиз жаҳон миқёсида ўтказилаётган турли нуфузли танловлар, фан олимпиадаларида ижобий натижаларни қўлга киритишмоқда.

Яқинда Москва шаҳрида кимё фанидан бўлиб ўтган 45-Халқаро Менделеев олимпиадасида жаҳоннинг ўн саккиз давлати вакиллари қаторида ўзбекистонлик иқтидорли ёшлар ҳам иштирок этди.

— Халқаро майдонларда Ватанимизнинг шаънини ҳимоя қилиш ҳар бир инсон учун катта шараф, юксак бахтдир. Мана шундай масъулиятни ҳис қилган ҳолда, уч босқичли беллашувда ўн учта мураккаб масалани ва бошқа муҳим шартларни яхши бажардим. Натижада юқори балл тўплашга, шунинг баробарида билдирилган ишончни оқлашга муяссар бўлдим, — дейди олимпиаданинг кумуш медали соҳибаси Дилафрўз Ғаниева.

Шунингдек, Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги академик лицей ўқувчиси Ҳамидулла Тўхтаев нуфузли олимпиаданинг бронза медалини қўлга киритган бўлса, пойтахтимиздаги тиббиёт йўналишидаги академик лицей, касб-ҳунар коллежларининг иқтидорли ўқувчилари Мадина Мирзаилёсова, Альберт Календарёв, Шаҳбоз Убайдуллаев, Дилноза Анваржоновалар танловнинг юқори даражали дипломлари билан тақдирланди.

Сир эмаски, истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ юртимизда иқтидорли ёшлар муносиб рағбатлантириб келинмоқда. Мана шундай хайрли ишларнинг мантиқий давоми сифатида республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан халқаро фан олимпиадаси совриндорларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг қизиқишларини янада кучайтириш мақсадида тадбир ташкил қилди. Унда иқтидорли ёшларга энг сўнгги русумдаги ноутбук компьютерлари ва бошқа қимматбаҳо совғалар топширилди.

— Меҳнат ва билимнинг бу даражада қадрланиши менга ҳаяжонли онларни ҳадя этди. Бизга кўрсатилган бундай эътибор ва эътирофдан жуда мамнун бўлдим, — дейди олимпиаданинг бронза медали соҳиби Ҳамидулла Тўхтаев.

Ҳар бир ютуқ, ҳар бир муваффақият ва рағбат ёшларни янада юксак чўққиларни эгаллашга ундайди. Зеро, юртимизда ёш авлод вакилларининг энг замонавий билим даргоҳларида таълим олишлари, етук мутахассис бўлиб етишишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Акбарали ХУДОЙБЕРДИЕВ

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ

1992-2010 йилларда чиқарилган Ўзбекистон почта маркалари, блок ва кичик варақларнинг мавзули ва йиллик тўпламларини кляссер ва буклетларда сотувда мавжуд

ПОЧТА АЛОҚАСИ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

Телефон: (8 371) тел.: 233-70-33; факс: 236-36-48
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

ISSN 2010-7528

Бош муҳаррир: Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Электрон манзил: hurriyat@doda.uz

Таҳририятга келган хатларга ёзма жавоб қайтарилади.

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси —	8-361-505-19-11
Андижон —	8-374-250-90-39
Бухоро —	8-365-592-85-02
Самарқанд —	8-366-233-62-12
Сурхондарё —	8-376-396-30-59
Фарғона —	8-373-215-80-58
Хоразм —	8-362-291-48-44

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Азим РЎЗИЕВ

Топшириш вақти — 21 00
Топширилди — 20 00

® — тижорат белгиси.

Адади: 8456 Буюртма — Г-526 1 2 3 5